Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 5 май, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 35 (7128)

Da`vat

Мардлар олишмайди,
силтаб отади,
Майдон бўлса иш
кўрсатиб кетади.

«Алпомиш» достонидан

Ibrat

Хўжайли туманидаги меҳрибонлик уйида туман ташкилотлари ҳомийлигида 16 нафар кичкинтойнинг суннат тўйи ўтказилди. Ҳомийлар саховати билан ҳар бир тўйбола бирданига иккитадан омонат дафтарчасига ҳам эга бўлди.

ПАҲЛАВОНЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИ

Ишонаман: бугун майдонга чиқадиган ҳар бир ўзбек паҳлавони, ўзимизнинг йигит фарзандларимиз, «Қувончим, ифтихорим, ғурурим - Ўзбекистон!» дея курашга тушади ва шу замин номини оқлайди, мардлик ва шижоат кўрсатади.

Президент Ислом КАРИМОВнинг кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатининг тантанали очилиш маросимидаги табрик сўзидан

Ўзбек полвонлари Юртбошимизнинг, халқимизнинг ишончини оқлади. Кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатининг барча олтин медаллари юртимиз полвонларига насиб этди

«Ўғлинг бўлса полвон бўлсада. У кўкрагини баланд кўтариб, мардона-мардона давраларда эл шаъни учун ҳалол курашса, юрт довруғини оламга ёйса». Бу ўғли вояга етаётган отанинг соф ўзбекона орзу-нияти. Ўғли полвон чиқмаса ҳам оталаримиз, боболаримиз юртнинг полвон ўғилларини ҳар доим олқишлаб, алқаб келади, зафарларини кутиб яшайди. Энди улар май ойининг дастлабки икки кунини ҳеч қачон эсларидан чиқаришмаса керак. Ахир, улар армонлари ушалган кунни-асрлар оша суяк суриб келаётган миллий курашимизнинг дунё узра зўр тантанасини кўрди-да, полвонларининг ҳайқириб кураш тушишидан завқ, фахр туйди-да.

Ҳа, Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан, катта саъй-ҳаракатлар эвазига пойтахтимизнинг «Юнусобод» ва «ЖАР» спорт саройларида ўтказилган миллий кураш бўйича 1-жаҳон чемпионати чинакам ўзбекча байрам бўлди. Мусобақа ўтаётган кунлари ҳамма кураш ҳақида ўйлади, айтилган гаплар ҳам кураш ҳақида бўлди. Элликка яқин мамлакат вакиллари иштирок этган дастлабки жаҳон чемпионатида уч: 73 кг гача, 90 кг гача ва мутлақ вазн тоифаларида чемпионлар аниқланди.

Даврага дастлаб 90 кг.гача вазндаги полвонлар чиқишди. Бу вазн тоифасида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиш учун энг номдор, тажрибали полвонларимиз тўпланганини билардик. Ҳақиқатан ҳам Камол Муродов, Баҳром Авазов, Армен Багдасаров, Шуҳрат Хўжаевлар рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмай ярим финалга етиб келишди.

Фақатгина бразилиялик полвон Карлос Ханората гарчи А. Багдасаровдан енгилган бўлса-да, ажойиб маҳорати билан барчанинг ташаккурини олди. Бу вазнда кечган энг шиддатли, қизиқарли кураш бўлди дея К. Муродов ва Б. Авазов ўртасидаги дастлабки ярим финал баҳси эътироф этилди. Финалга тенг баҳоланган бу баҳсда ким ютса ўша чемпион бўлишини башорат қилганлар ҳам кўп эди. Ҳақиқатан ҳам бу беллашувда ғалаба қозонган Камол полвон финалда Армен полвонни ҳам ҳалол йиқитиб, 1-жаҳон чемпиони бўлди.

75 кг. гача бўлган вазндаги полвонлар баҳси ҳам полвонларимизнинг тўла устунлигида ўтиб, улар рақибларини биринкетин енгаверишди. Бу сафар ярим финалга курашимиз усталари Акобир Қурбонов, Махтумқули Маҳмудов, Хайрулло Нарзуллаев ҳам бразилиялик полвон Александро Казараги-лар чиқишди.

Акобир ва Махтумқулиларнинг финал олишуви, бир-бирига муносиб рақиб бўлганлиги учун ҳам муросасиз бўлди. Акобир полвон кичик устунлик билан ғалаба қозониб, чемпионлик шарафини қўлга киритди.Мухлисларнинг кўпчилиги полвонларнинг полвони кураш тушадиган мутлақ биринчиликни интизорлик билан кутишганди. Чунки катта-ю кичик ўтган йилги кураш бўйича «Президент кубоги»да полвонларимизнинг юзини ерга қаратган зўрларга рўбарў келишларини кўрмоқчи эди.

(Давоми 4-бетда)

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг «9-майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида» ги Фармони эълон қилинди.

• Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Шамсуддин Бобохонов Жидда шаҳрида Саудия Арабистони Подшоҳи Фаҳд бин Абдулазиз Ол Саудга ишонч ёрлиғини топширди.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Назорат» органлари фаолиятларини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши ҳузурида текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлар шикоятларини қабул қилиш гуруҳини ташкил этиш тўғрисида»ги махсус қарори қабул қилинди.

• Туркияда бўлиб ўтган сайловлар натижасига кўра, бош вазир Бюлент Эжевитнинг Демократик сўл партияси 22 фоиздан кўпроқ овоз билан ғалабага эришди.

• Тель-Авивнинг Ришон Лецион савдо марказида содир этилган портлаш натижасида бир киши ўлган, уч нафар одам турли даражада жароҳат олган.

• Оқ уй маъмурияти Яқин Шаркда тинчлик ўрнатиш масаласи бўйича АҚШ, Исроил ва Фаластин ўртасида уч томонлама олий даражадаги музокаралар ўтказиш ташаббуси билан чиқмоқда.

Халқ таълими вазирлиги тавсия этади

2-бет

МАШҒУЛОТЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Jarayon

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг XIV сессиясида жамиятимиз ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, маънавий ва бошқа томонларини янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида катта маъруза қилган эди. Маъруза кенг жамоатчилик томонидан қизғин қўллаб- қувватланди. Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим бошқармаси ҳам ушбу маърузадан келиб чиқадиган вазифаларни амалга оширмоқдалар. Хусусан, «Маърифат» газетасининг ўтган сонида Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» маърузасини ўрта умумтаълим мактаблари ва халқ таълими ходимларининг малака ошириш тизимида ўрганиш бўйича намунали мавзуий режа ва дастур чоп этилди.

Айни пайтда мазкур режа ва дастур асосида маъруза матни илм масканларида, лицейларда батафсил ўрганилмоқда. Синф раҳбарлари, фан муаллимлари, энг аввало, янги тарихимиз бошланган даврни ўқувчилар билан биргаликда қиёсий таҳлиллар, баҳс-мунозара каби самарали услуб ва амалий тадбирлар ўтказиш орқали сингдиришмоқда. Мулоқот чоғида ўғил-қизларга ўзликни англаш-саодат эканлиги алоҳида уқтириляпти. Чунки шўро замонида, Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, миллий ўзликни англашга бўлган табиий интилиш жоҳилона инкор этиларди.

Амалий машғулотларда жамият сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий турмушини янада эркинлаштиришнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти таклиф қилган асосий йўналишлари алоҳида эътибор билан ўрганилаётганини таъкидлаш жоиз. Муҳими, маърузада мамлакатимизнинг истиқболли йўли, шу билан бирга бажарилиши лозим бўлган юмуш ва вазифалар кўлами акс этган. Буларни ҳар биримиз чуқур ўрганишимиз ва билишимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

Шукур ПЎЛАТОВ,
ХТВ умумий ўрта таълим бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Одобнинг боши тилдир

3-бет

Ўқитувчи ёш дафтарига

ЯНГИ ВИТАМИН

Япониянинг Окаяма профектураси доришунослари томонидан янги С витамини кашф қилинди. Янги дармондори инсон танасига бевосита тери орқали зарарсиз ёғ ва бирикмалар орқали ўтиши билан эскисидан фарқ қилади. Лаборатория текширувидан муваффақиятли ўтган мазкур ихтиро одамни бевақт қаришдан муҳофаза қилади ва ҳар хил доғ ва ажинлардан тозалаб, терининг навқирон ҳолда сақланишига хизмат қилади.

БИРИНЧИ ҚУЁШ КАЛЕНДАРИ

Сўғдийча «қалъа» маъносини билдирадиган Жиззах воҳаси уч минг йиллик тарихга эга. Яқинда воҳа тарихи яна бир муҳим янгилик билан бойиди. Вилоятнинг Маънавият ва маърифат маркази ҳамда ўлкашунослик музейлари ходимлари томонидан олиб борилган изланишлар самараси ўлароқ, Ғаллаоролда ер юзидаги биринчи қуёш календари мавжудлиги, Ҳоргузак тоғларида эса ибтидоий мусаввирлар чизган суратлар борлиги аниқланди.

ҲАРОРАТ КЎТАРИЛМОҚДА

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, сўнгги пайтда Ерда ҳароратнинг кўтарилиши кузатилмоқда. Оқибатда, куррамиздаги йирик музликларнинг эриш суръати ошмоқда. Маълум бўлишича, ўтган йили улкан музликлар сатҳи 3 минг квадрат чақиримга камайган. Ҳолбуки, аввал шунча музнинг эриши учун 10 йил вақт зарур бўлган.

ЎСУВЧАН КИЙИМЛАР

Бельгиялик дизайнер Люк Мартес ўт-ўланлар илдизидан турли кийимлар тайёрламоқда. Кийим тикишдан олдин илдизлар махсус парваришланади ва кийим тайёр бўлгач ҳам бу парвариш давом этади. Дейлик, кўйлак эгаси мудом эгнидаги ўсаётган кўйлагини суғориб ва текислаб қирқиб туриши лозим. Люк Мартес ўзининг бундай мўъжизакор либослари келажакда урф бўлишига ишончи комил эканлигини таъкидламоқда.

40 ЙИЛ БУРУНГИ МАКТУБ

Xotira

Бир куни шогирдим Дилшод Жамилов хонадонида Литванинг Скудовск шаҳридаги 2-мактаб ўқитувчилари томонидан ёзилган бир мактубнинг 40 йилдан буён асраб-авайланишини эшитиб қолдим. Қизиқишим ортиб, Дилшоддан илтимос қилдим ва мактубни мен ҳам ўқидим. Чунки мактубда тилга олинган унинг отаси Умар Жамилов Тошкентдаги 1-сон педбилим юртида химия фанидан дарс берган устозим эди. Мактубда шундай жумлалар битилган эди:

«Скудовск шаҳрини фашист босқинчиларидан ҳимоя қилишда қаҳрамонларча ҳалок бўлган жасур ўзбек жангчиси, лейтенант Умар Жамиловнинг фарзанди Дилшод Умарович Жамиловга!

Биз отангиз Умар Жамиловнинг ҳалок бўлганлигини ўша вақтда дафн маросимида қатнашган кекса ўқитувчилардан аниқлаб, ушбу хабарни сизга йўллаяпмиз. Умар Жамилов 1945 йил 23 февралга ўтар кечаси фашист айғоқчилари билан бўлган қаттиқ жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлиб, у ўша вақтда штаб бўлган мактабимиз олдидаги тепаликка дафн этилган экан. 1965 йилда Скудовск шаҳар ҳокимининг қарорига биноан, лейтенант Умар Жамилов ва унинг қуролдош дўстлари хоки у ердан олиниб, «Биродарлик қабристони»га дафн этилиб, ёдгорлик ўрнатилди. Ёдгорлик атрофи гулзорга айлантирилиб, мактабимиз ўқувчилари доимо у ердан хабардор бўлиб турадилар. Хайр, деб, сизларнинг қайғудош дўстларингиз Скудовск шаҳридаги 2-ўрта мактаб ўқитувчилари».

Уруш бошланганида 32 ёшга тўлган, меҳнатсевар, болаларга меҳрибон устоз Умар ака Тошкентдаги 1-сон педагогика билим юртида ўқитувчи эдилар. Мен у кишидан билим олганман, пахта далаларида бирга бўлганман. Уруш бошлангач, кўп қатори у киши ҳам жангга отланди. У фронтнинг энг оғир нуқталарида: Сталинград жанги, Крим, Болтиқбўйи фронтида босқинчиларга қарши курашда ўзини кўрсатди. У оддий солдатдан лейтенант даражасига кўтарилди.

Ўша кезлари ғалаба яқинлашиб қолганлигини сезган Умар ака умр йўлдоши Маҳфуза опага қуйидаги мазмунда мактуб йўллаган эди: «Қадрли вафодорим Маҳфуза! Уруш тугаш арафасида. Мана тўрт йилдирки, оғир жангларни бошдан кечириб, юзлаб шаҳар ва қишлоқларни босқинчилардан озод қилдик. Ғалаба кунлари яқин. Тез кунларда дийдор кўришиб қолармиз. Хайр, мен учун Шоҳида ва Дилшодни ўпиб кўй». Афсуски, бу унинг сўнгги хати эди.

Мана, орадан эллик тўрт йил ўтди. Умаржон аканинг фарзандлари замонамизнинг етук мутахассислари бўлиб етишдилар. Шоҳида архитектор бўлиб, шаҳримиз гўзаллигига ўз ҳиссасини қўшди. Ҳозир нафақада. Дилшод эса 40 йилдан буён «Тошкентқурилиш» трестида хизмат қилаяпти.

Хуллас, Умаржон аканинг қонли урушда завол бўлган умри фарзандлар камолида, халқ хотирасида яшаяпти.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,
фахрий педагог, республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими

КИТОБНИ СЕВГАНЛАР БАЙРАМИ

Ҳар гал китоблар ҳақида нимадир ўйламоқчи ёки айтмоқчи бўлсам, онамнинг «китоб жинниси» бўлганлигим учун дадамга айтадиган қуйидаги сўзлари ёдимга тушади: «Қиз бола ўқиб шаҳар оберармиди, бу тенгилар хамир қориб нон ёпишни, супур-сидирни аллақачон ўрганиб олган. Бу на одамга қўшилади, на ёрдами тегади. Қачон қараманг, китоб ўқигани ўқиган. Сиз ҳам уйдаги шунча китоблар етмагандек яна кўтариб келаверасиз-а».

Шундай пайтларда дадам кулиб қўярдилар ва эртаси куни уйга яна бир қанча китоб кўтариб кириб келардилар.

Куни кеча Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган «Китобсеварлар» кўрик-танлови иштирокчилари хонадонида ҳам шубҳасиз юқоридагидек гап-сўзлар бўлиб турса ажаб эмас. Республикамизнинг 12 вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасидан ташриф буюрган ўқувчилар саккиз шарт бўйича беллашдилар.

Бугун замон тараққиёти шу даражадаки, дунёнинг турли бурчакларида бўлаётган воқеа-ҳодисаларни, катта-катта бадиий китобларнинг тасвирга кўчган талқинини ойнаи-жаҳон орқали кўриб, танишиш мумкин. Шундай ҳолларда китоб ўқишга, газета-журнал варақлашга ким ўзида журъат топа олади? Албатта, бадиий адабиётни жон дилидан севувчи, китобни ҳаётининг мазмуни деб билувчи инсонлар. Мен билан суҳбатда бўлган ўқувчилар ҳақиқатдан ҳам «китобсевар»ликларини билдиришди.

Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги «Истиқбол» гимназияси ўқувчилари — С.Ёқубов, Б.Ғаниев: бир янгиликни фахрланиб айтишди.

(Давоми 4-бетда)

ХУШ ВА НОХУШ МАНЗАРАЛАР

«Ma'rifat» reydi

Таълим-тарбия жараёнини миллий-мафкуравий жиҳатдан таъминлаш, ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини истиқлол руҳига эш қилиш, уларни мустақиллигимиз ғояларига садоқат, она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш бугунги куннинг энг долзарб вазифалари сирасига киради. Бундай юмушларни сидқидилдан бажариш мувақкат ёки мавсумий бўлмай, доимий изчилликни талаб этади. Бу борадаги тадбирлар қай тарзда амалга оширилаётганини ўрганиш мақсадида биз Фарғона вилоятининг айрим туманларида кузатувлар ўтказдик.

Маълумки, жорий ўқув йилининг бошида Халқ таълими вазирлиги томонидан давлатимиз рамзларини ўқувчилар онгига сингдириш мақсадида вилоятларга тегишли тавсияномалар юборилган эди. Унда, жумладан, ҳар бир ўқув даргоҳида ўқув ҳафтасининг бошида давлатимиз байроғини ўқувчилар тантанали саф тортишиб, мадҳиямизни айтиб кўтаришлари, ҳафта сўнгида эса яна шу тарзда байроқни тушириш,йиғилишларга обрўэътиборли кишиларни, ота-оналар вакилларини таклиф этиш лозимлиги кабилар кўрсатилган эди.

Йил бошида бу масалага эътибор янада кучайтирилди. Жойларга тўлдирилган тавсияномалар қайтадан юборилди. Фарғона вилоятидаги барча таълим-тарбия масканларида ҳам тегишли ҳужжатлар ишлаб чиқилди, чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, Фурқат туманидаги мавжуд 42 та ўқув даргоҳининг ҳовлиларига байроқни ўрнатиш учун мосламалар қўйилди. Ҳафтанинг белгиланган кунлари ўқувчилар йиғини ўтказилиб, болаларнинг мадҳия айтишлари билан байроқлар кўтариляпти ва тушириляпти.

Фурқат - республикамиздаги энг кенжа туманлар сирасига киради. Бу ерда эски, замон талабларига жавоб бермайдиган бинога эга таълим муассасалари кўп. Улар вақт-соати билан, албатта, янгиланади. Ҳар ҳолда, мана шу йўлда дадил ҳаракатлар қилинаяпти. Янги иншоотлар қад ростлаяпти. Мактабларда таълим-тарбиянинг яхши йўлга қўйилгани, педагогик жамоаларнинг аҳиллиги ва, айниқса, маънавиятга эътиборнинг тобора кучайтирилаётгани эътиборга лойиқдир.

Туманда 2-,6-,20-12-каби, жами ўндан ортиқ ўқув даргоҳи янги ўқув йилини таъмирсиз кутиб олаяпти. Бунга эҳтиёж йўқ. Муҳими, бунда ўқитувчиларнинг руҳлари баланд, ўқувчилар мадҳияларни аллақачоноқ ёд олишган. Маънавият хоналари ҳам дурустгина педагогик дид билан жиҳозланган.

Ўзбекистон тумани марказидаги мактабларда ҳам ана шундай ибратли манзараларни кузатиш мумкин. Жумладан, 1-мактабда ҳар ойнинг бир куни маънавият ва маърифат куни деб белгиланган. Муаллимлар машғулотларда, ўқувчилар йиғинларида, маънавият кунларида миллий-мафкуравий масалаларда кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб боришяпти. Долзарб мавзуларда маърузалар қилиняпти.

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим етти тилда олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 1999-2000 ўқув йилида қўллашга тавсия этилган дарслик ва ўқув қўлланмалар рўйхати

Маълумки, бугунги кунда ўқувчиларни дарсликлар билан тўла таъминлаш асосан ота-оналар зиммасида. Шундай экан, улар яқинлашиб келаётган янги ўқув йилида фарзандларига зарур бўладиган барча дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини тахт қилиб қўйиш учун бугунданоқ киришишлари даркор. Бу ишда ўқитувчиларимиз ота-оналарга ҳар жиҳатдан яқин кўмакчи ва маслаҳатгўй бўлмоқлари лозим.

Ўтган йили нашрдан чиққан дарсликларнинг аксарияти китоб дўконларида сотилмай қолиб кетди. Шу боис, биз газетамизнинг 1999 йил 17 март сонида китоб дўконлари ва дўкончалари манзиллари кўрсатилган рўйхатни ота-оналар учун эълон қилган эдик.

Сирасини айтганда, ўғил-қизларни ўқув қўлланмаларисиз ҳеч бир тасаввурга сиғдириб бўлмайди. Дарслик ва китобларсиз фан тушунчаларини ўзлаштириш асло мумкин эмас. Ўйлаймизки, ўқитувчилар, ота-оналар бу ҳақиқатни англаб етадилар.

Қуйида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари учун 1999-2000 ўқув йилида қўллашга тавсия этилган дарслик ва ўқув қўлланмалари рўйхати эълон қилинмоқда.

Халқ таълими вазирлиги
Республика таълим маркази

Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактаблар учун 1999\2000 ўқув йилида қўллашга тавсия этилган дарслик ва ўқув қўланмалар
Р Ў Й Х А Т И

Т\С Дарслик ва ўқув қўлланмалар	Муаллифлар	Қайси йилдан бошлаб нашр этилган ва охирги нашр йили

1-синф (лотин)

1.Алифбе	О. Шарафутдинов ва б.	1996-1999
2.Она тили	Қ. Абдуллаева ва б.	1996-1999
3.Ёзув дафтари 1.	Қ. Абдуллаева ва б.	1996-1999
4.Ёзув дафтари 2.	Қ. Абдуллаева ва б.	1996-1999
5.Алифбе	Т. Ғаффарова ва б.	1996-1999
6.Она тили	Т.Ғаффарова ва б.	1996-1999
7.Ёзув дафтари 1.	Т.Ғаффарова ва б.	1996-1999
8.Ёзув дафтари 2.	Т.Ғаффарова ва б.	1996-1999
9. Ҳуснихат.	М. Ғуломов.	1996-1999
10.Ўзинг бўя ва бажар	Х. Эгамов	1996-1999
11. Ўзинг қур ва яса!	Х. Эгамов	1996-1999
12. «Китобим-офтобим» (синфдан ташқари ўқиш)	Б. Маъқулова	1996-1999
13.Математика	Н. Бикбаева ва б.	1997-1999
14.Математика д. 1.	Н. Бикбаева ва б.	1996-1999
15.Математика д. 2.	Н. Бикбаева ва б.	1996-1999
16.Атрофимиздаги олам.	А. Григорьянц ва б.	1996-1999
17.Тасвирий санъат ва бадиий меҳнат	Р. Ҳасанов	1998-1998
18.Мусиқа	Х. Нурматов ва б.	1999
19.Алифбо қўшиқлари	Д. Омонуллаева ва б.	1999

2-синф (лотин)

1.Ўқиш китоби	Қ. Абдуллаева ва б.	1997-1998
2.Она тили	К. Қосимова ва б.	1997-1998
3.Математика	Н. Бикбоева ва б.	1997-1998
4. Математика дафтарлари 1,2	Н.Бикбоева ва б.	1997-1998
5.Атрофимиздаги олам	А. Григорьянц ва б.	1997-1998
6.Русский язык в картинках	В. Андриянова	1997-1998
7.Кузатиш кундалиги	А. Григорьянц ва б.	1997-1998
8.Ҳуснихат	М. Ғуломов	1997-1998
9.Ўзинг бўя ва бажар	Х. Эгамов	1997-1998
10.Ўзинг қур ва яса	Х. Эгамов	1997-1998
11.Китобим-офтобим	Б. Маъқулова	1997

3-синф (лотин)

1.Ўқиш китоби.	М. Умарова	1997
2.Она тили.	С. Фузаилова ва б.	1997
3.Математика.	Н. Бикбоева ва б.	1997
4.Табиатшунослик	А. Григорьянц	1997
5.Русский язык (Букварь)	В. Андриянова	1998
6.Пропись 1.	В. Андриянова	1998
7.Пропись 2.	В. Андриянова	1998
8.Хуснихат.	М. Ғуломов	1997
9.Кундалик кузатиш дафтари	А. Григорьянц	1997

4-синф (лотин)

1.Ўқиш китоби.	А. Шожалилов ва б.	1998
2.Она тили.	А. Азизова б.	1998
3.Табиатшунослик	А. Григорьянц ва б.	1998
4.Кузатиш кундалиги	А. Григорьянц	1998
5.Математика.	Н. Бикбаева ва б.	1998
6. Русский язык.	Коблов ва б.	1998

5-синф (лотин)

1.Ўзбек адабиёти.	Н. Каримов ва б.	янги нашр
2.Она тили.	М. Асқарова ва б.	1998
3.Математика.	Ж. Икромов ва б.	1998
4.Табиёт.	А. Баҳромов ва б.	1998
5.Инглиз тили.	М. Худойберганова ва б.	1998
6.Немис тили	М. Ахмедшин ва б.	янги нашр
7.Француз тили	Н. Нешева ва б.	янги нашр
8.Русский язык.	Р. Толипова ва б.	янги нашр
9.Жаҳон тарихидан ҳикоялар	У. Жўраев ва б.	янги нашр
10.Ватан тарихидан ҳикоялар.	Б. Ахмедов	1998
11.Математикадан масалалар тўплами	А. Раҳимқориев ваб.	1998
12.Хизмат кўрсатиш меҳнати	Т.Пошшахўжаева ва б.	1998

6-синф (лотин)

1.Она тили.	А. Ғуломов ва б.	1999
2.Ўзбек адабиёти.	Қ. Йўлдошев ва б.	1999
3.Русский язык	Р. Толипова ва б.	янги нашр
4.Книга для чтения.	Е. Киссен ва б.	1999
5.Математика.	Ж. Икромов ва б.	1999
6.Физика.	В. Шодиев ва б.	1999
7. Ботаника.	Ў. Пратов ва б.	1999
8.Материклар ва океанлар географияси	П. Мусаев ва б.	1999
9.Инглиз тили.	М. Худойберганова ва б.	1999
10.Немис тили.	М. Ахмедшин ва б.	1999
11.Француз тили.	Н. Нешева ва б.	1999
12.Жаҳон тарихи	А. Кабиров.	Янги нашр
13.Ўзбекистон тарихи	А. Сагдуллаев ва б.	1999
14.Одобнома (ўқув қўланма)	О. Тўраева ва б.	1999
15.Хизмат кўрсатиш меҳнати (қизларга)	Т.Пошшахўжаева	1999

7-синф

1.Ўзбек адабиёти	Қ. Йўлдошев ва б.	1997
2.Она тили	А. Ғуломов ва б.	1996
3.Рус тили	Х. Якубова ва б.	1996
4.Книга для чтения	В. Андриянова ва б.	1996
5.Алгебра	Ш. Алимов ва б.	1996
6.Геометрия	Н.Ғайбуллаев ва б.	1997
7.Физика	Д. Шодиев ва б.	1998
8.Физика	А. Перишкин ва б.	1997
9. Зоология (7-8 с.)	О. Мавлонов ва б.	1995
10.Ботаника	Ў. Пратов ва б.	1997
11.Инглиз тили	М. Худайберганова ва б.	1996
12.Француз тили	Н. Нешева ва б.	1996
13.Туркистон табиий географияси	П. Ғуломов ва б.	1997
14.Ўзбекистон табиий географияси	О.Мўминов ва б.	1997
15.Ўзбекистон геог. атласи (ўқув қўлланма)	Муаллиф. гуруҳи.	1999
16.Ўзбекистон тарихи	А. Муҳаммаджонов	янги нашр
17.Жаҳон тарихи	Т. Салимов ва б.	янги нашр
18.Араб тили	Р. Мусахўжаев ва б.	1997
19.Одобнома (ўқув қўлланма)	О. Тўраева ва б.	1999

8-синф

1.Она тили	М. Асқарова ва б.	1997
2.Ўзбек адабиёти	А. Каттабеков ва б.	1997
3.Русский язык	М. Ботирова ва б.	1996
4.Книга для чтения	И. Стиркас ва б.	1996
5.Алгебра	Ш. Алимов ва б.	1996
6.Геометрия	Н. Ғайбуллаев ва б.	1998
7.Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари	А. Абдуқодиров ва б.	1996
8.Ўзбекистон тарихи	Р. Муқминова ва б.	янги нашр
9.Жаҳон тарихи	Р. Фармонов	янги нашр
10.Давлат ва ҳуқуқ асослари	О. Каримова ва б.	янги нашр
11.Иқтисодий билим асослари	Э. Сариқов ва б.	1997
12.Кимё	А. Мамажонов ва б.	1997
13.Зоология	О. Мавлонов	1995-1999
14.Физика.	Д. Шодиев ва б.	1998
15.Физика	А. Перишкин ва б.	1997
16.Француз тили.	Н. Нешева ва б.	1996
17.Инглиз тили.	И. Смирнова ва б.	1996
18.Ўзбекистон иқтисодий географияси	З. Акрамов ва б.	1997
19.Ўзбекистон геогр. атласи (ўқув қўлланма)	Муаллиф. гуруҳи	1999
20.Техникавий графика асослари (8\9)	А. Умронхўжаев	1996
21.Одобнома (ўқув қўлланма)	О. Тураева ва б.	1999

9-синф

1. Она тили	М. Асқарова ва б.	1997
2. Ўзбек адабиёти (мажмуа)	Н. Комилов ва б.	1997
3.Ўзбек адабиёти (дарслик)	Б. Тўхлиев	янги нашр
4.Алгебра.	Ш. Алимов ва б.	1996
5.Геометрия	А. Погорелов ва б.	1994
6.Физика.	Д. Шодиев ва б.	1995
7.Физика	И. Кикоин	1994
8.Одам ва унинг саломатлиги.	Б. Аминов ва б.	1997
9.Русский язык.	А. Каримова ва б.	1996
10.Книга для чтения.	Ф. Спектерман ва б.	1998
11.Кимё.	Ф.Фельдман ва б.	1995
12.Кимё.	С.Тешабоев ва б.	янги нашр
13.Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.	А. Абдуқодиров ва б.	1997
14.Информатика ҳисоблаш техникаси асослари бўйича машқлар	А. Абдуқодиров ва б.	1997
15.Ўзбекистон тарихи	Ж. Раҳимов	янги нашр
16.Жаҳон тарихи	Э.Ҳолиқов ва б.	янги нашр
17.Инглиз тили.	Т. Жалолов ва б.	1998
18.Иқтисодий билим асос.	Э.Сариқов ва б.	1997
19.«Иқтисод ва бизнес» амалий машғулот	Э. Сариқов ва б.	1997
20.Жаҳон мамлакатлари иқтисодий географияси	В. Максаковский	1995
21.Конституциявий ҳуқуқ	М. Тансиқбоева ва б.	янги нашр
22.Инсон ҳуқуқлари	О.Хусанов ва б.	1997
23.Одобнома (ўқув қўлланма)	Т.Қурбонов	1996

10-синф

1.Она тили	Ғ.Абдураҳмонов ва б.	1997
2.Ўзбек адабиётидан мажмуа.	Б. Қосимов ва б	1998
3.Ўзбек адабиёти.	Б. Қосимов ва б.	1999
4.Русский язык.	А. Азизов ва б.	1998
5.Кимё.	Г.Рудзитис ва б.	1995
6.Физика.	М.Шахмаев ва б.	1998
7.Физика.	Быховцев ва б.	1998
8.Физикадан масалалар тўплами (9-10)	А.Римкевич	барча нашр йиллари
9. Алгебра ва бошланғич анализ, 10-11-синфлар.	Ш. Алимов ва б.	1998
10.Геометрия	А. Погорелов ва б.	1994
11.Умумий биология 10-11-синфлар	Ё. Тўрақулов ва б.	1996
12.Инглиз тили.	Т. Жалолов.	1998
13.Ўзбекистон тарихи.	Д. Алимова ва б.	янги нашр
14.Жаҳон тарихи.	Г. Ҳидоятов	янги нашр
15.Инсон ҳуқуқлари	О.Хусанов ва б.	1997
16.Иқтисодий билим асос.	Э. Сариқов ва б.	1997
17.«Иқтисод ва бизнес» амалий машғулот	Э. Сариқов	1997
18.Амалий география	А. Рафиқов ва б.	янги нашр
19.Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари	А. Абдуқодиров ва б.	1997
20.Ҳаёт ва турмуш одоби (ўқув қўлланма)	О. Алимардонова ва б.	1996-1998
21.Чақириққача ёшларни тайёрлаш	Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги	1996

11-синф

1.Она тили	Ғ.Абдураҳмонов ва б.	1997
2.Ўзбек адабиёти мажмуаси	У.Норматов ва б.	1997
3.Ўзбек адабиёти	У. Норматов ва б.	1997
4.Русский язык	А. Азизов ва б.	1998
5.Алгебра	Ш. Алимов ва б.	1998
6.Геометрия	А. Погорелов	1994
7.Физика	Н. Шахмаев ва б.	1998
8.Физика	Мякишев	1997
9.Астрономия	Б. Воронцов-Вельяминов ва б.	1994
10.Инглиз тили	Т. Жалолов	янги нашр
11.Ўзбекистон тарихи	Н. Жўраев ва б.	1998
12.Жаҳон тарихи	Г. Ҳидоятов	янги нашр
13.Инсон ва жамият (қўшимча ўқув қўлланма)	Симона Роберто. А.Ҳукумов ва б.	1998
14.Инсон ва жамият	Р. Рахматуллин ва б.	янги нашр
15.Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.	А. Абдуқодиров ва б.	1997
16.Иқтисодий билим асос.	Э. Сариқов ва б.	1997
17.«Иқтисод ва бизнес» амалий машғулот	Э. Сариқов	1997
18.Умумий биология (10-11)	Ё. Тўрақулов ва б.	1996
19.Кимё	Г. Рудзитис	1996
20.Чақириққача ёшларни тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги		1996

СПИСОК
учебников рекомендоваванных для использования в школах с русским языком обучения в 1999\2000 учебном году

№	Название и авторы	Пригодные издания

1-класс

1.Букварь	Тухтахаджаева М. и др.	1999
2.Дорожка к слову прилож. К «Букварю»	Тухтахаджаева М. и др.	1999
3.Русский язык	Тухтахаджаева М. и др.	1999
4.Прописи №1,2,3,4	Тухтахаджаева М. идр.	1999
5.Математика	Бикбаева Н.	1999
6.Тетрадь по математике, №1,2	Бикбаева Н.У.	1999
7.«Мой Узбекистан» книга для внекл. чтения часть 1,2	Николаева Э.И.	1996
8.Окружаюший нас мир	Григорьянц А.Г.	1999
9.Изобраз. искус.	Хасанов Р.	Новое изд.
10.Музыкал. Азб.	Нурматов Х.	Новое изд.

2-класс

1.Узбекский язык	Р. Юлдашев и др.	1999
2.Русский язык	Тухтахаджаева М.	новое изд.
3.«Вместе с солнышком» книга для чтения (проб. учеб.)	Тухтахаджаева М.	новое изд.
4.Путешествие в мир Слов 1,2 часть книга для чтения (проб учеб)	В. Кожуховская и др.	новое изд.
5.Математика	Бикбаева Н.У.	1999
6.Тетрадь по математики №1,2	Бикбаева Н.У.	1999
7.Окружаюший нас мир	Григорьянц А.Г.	1998
8.Дневник наблюдений	Григорьянц А.Г.	1999

3-класс

1.Ўзбек тили	Рафиев А. и др.	1999
2.Русский язык	Рамзаева Т.	1995-1998
3.Родная речь, 1,2 кн. 2.	Голованова М.Р.	1995
4.Математика	Бикбаева Н.У.	1998
5.Природоведение	Григорьянц А.Г.	1998
6.Дневник наблюдений	Григорьянц А.Г.	1998

4-класс

1.Узбекский язык	Усманова М.	1994
2.Русский язык	Рамзаева Т.Г.	1992-1998
3.Математика	Моро М.И.	1993-1998
4.Природоведение	Григорьянц А.Г.	новое изд.
5.Дневник наблюдений	Григорьянц А.Г.	1996
6.Изобразительное искуство	Хасанов Р.	новое изд.
7.Книга для чтения (проб. учеб.)	В.И. Ехалкина	новое изд.

5-класс

1.Узбекский язык	Юлдашев Р.	1993
2.Русский язык	Ладыженская Т.А.	1992-1998
3.Русский язык 5-9 кл.	Бабайцева В.В.	1992-1998
4.Русская речь, 5-7 кл. (Пособие по развит. речи к учебнику)	Никитина Е.И.,Бабайцевой В.В.	1998
5.Литература 1,2 (учебник хрестоматии)	Курдюмова Т.Ф.	1992-1998
6.В мире литературы	Кутузов А.Н.	1998
7.Математика	Д. Икрамов	1998
8. Рассказы по истории Родины	Б.Ахмедов	новое изд.
9.Рассказы о Всемирной истории	У. Жураев др.	новое изд.
10.Английский язык	Клементьева Т.Б.	1992-1998
Английский язык	Старков А.П.	1993-1998
Английский язык	Кузовлев В.П.	1995-1998
11. Немецкий язык	Бим И.Л.	1993-1998
12.Французский язык	Елухина Н.В.	1992-1996
Французский язык	Слободчиков В.А.	1992-1998
13. Испанский язык	Белоусова В.А.	1993-1998
14. Естествознание	Г. Бахрамов и др.	1998

6-класс

1.Ўзбек тили	Р. Юлдашев и др.	1996
2.Русский язык	Баранов М.Т.	1992-1998
3.Русский язык (учеб. пособ)	Г. Лидман-Орлова	1998
4.Литература	Полухива В.П.	1992-1998
5.В мире литературы	Кутузов А.	1998
6.Математика	Д. Икрамов и др.	1998
7.История Узбекистана	А. Сагдуллаев и др .	1999
8.Всемирная история	А. Кабиров	новое изд.
9.Ботаника	У. Пратов	1998
10.Английский язык	Старков А.П.	1995-1998
Английсикй язык	Клементьева Т.Б.	1992-1998
.Английский язык	Кузовлев В. и др.	1996-1998
11.Немецкий язык	Бим И.Л.	1992-1998
12.Французский язык	Слободчикова З.	1992-1998
Французский язык	Селеванова Н.А.	1996
13.Испанский язык	Белоусова В.А.	1992-1998
14.География	Мусаев П. и др.	1998
15.Физика	Шахмаев Н.М. и др.	1995-1998

7-класс

1.Узбекский язык	Жамолханов Х.	1994-1996
2.Русский язык	Баранов М.Т.	1993-1998
3.Литература	Коровина В.Я.	1993-1998
В мире литературы	Кутузов А.Г.	1998
4.Алгебра	Алимов Ш.А. и др.	1995-1998
5.Геометрия, 7-9	Атанасян	1996-1998
6.Геометрия	Н. Ғайбуллаев	новое изд.
7. Четырехзначные математические таблицы, 7-11 кл.	Брадис В.М.	все издания
8.История Узбекстана	А. Мухаммаджонов	новое изд.
9.Всемирная история	Т. Салимов и др.	новое изд.
10.Зоология, 7-8 кл.	Быховский Б.Е.	1996-1998
11.Биология 7-8 кл.	Никишов А.И.	1996-1998
12.Ботаника	Е. Бельская	1997
13.Физика	Шахмаев Н.М. и др.	1995-1998
14.Физика	Перышкин А.В.	1995-1998
15.Сборник задач по физике для 7-8 кл.	Лукашек В.И.	1993-1998
16.Английский язык	Старков А.П.	1990-1998
17.Счастливый английский	Кузовлев В.П.	1995-1998
18.Немецкий язык	Бим И.Л.	1992-1998
19.Французский язык	Слободчиков В.А.	1992-1998
20.Испанский язык	Белоусова В.А.	1992-1998
21.Физическая геогр. Узбекистана	Муминов О.	1994-1996
22.Физическая геогр. Туркистана	П.Ғуломов и др.	1999
23.Географический атлас Узбекистана (уч. Пос.)		1999

8-класс

1.Ўзбек тили	Коллектив	новое изд.
2.Русский язык	Бархударов С.Г.	1993-1998
3.Литература (учеб. хрестоматия)	Беленький Г.И.	1993-1998
4. В мире литературы	Кутузов А.Г.	1998
Русская речь	Никитина Е.И.	1995
5.Алгебра	Алимов Ш.А. и др.	1996-1998
6.Физика	Перышкин А.В.	1995-1998
7.Физика	Шахмаев Н.М. и др.	1996-1998
8.Химия	Рудзитис Г.Е.	1996-1998
9.Химия	А. Мамажонов	новое изд.
10. Сборник задач и упраж. по химии, 8-11 кл.	Гольдфорб Д.	1988-1998
11. История Узбекистана	Р. Мукминова и др.	новое изд.
12.Всемирная история	Р. Фармонов	новое изд.
13.Химия	Сатбалдина С.Т.	1996-1997
14.Английский язык	Старков А.П.	1993-1998
15.Английский язык	Кузовлев В.П.	1995-1996
16.Немецкий язык 8-9 кл.	Бим И.Л.	1993-1998
17.Немецкий язык 8-9 кл.	Бим И.Л.	1995-1998
(книга для чтения)	Бим И.Л.	1995-1999
18.Французский язык 8-9 кл.	Кулагина А.С.	1997-1998
19.Испанский язык	Белоусова В.И.	1992
20.Информатика 8-9 кл.	Гейн А.Г.	1995-1998
21.Эконом.географ.Узбекистана	Акрамов З.и др.	1995
22.Зоология, 7-8 кл.	Быховский Б.Е.	1996-1998
23.Основы технической графики, 8 кл.	Умранходжаев В.	1997
24.Географ. Атлас	Узбекистана (учеб.пособие) Авторс. Коллек.	1999

9-класс

1.Узбекский язык	Усманова М.	1995
2.Русский язык	Бархударов С.Г.	1992-1998
3.Литература	Маранцман В.Г.	1998
4.Литература	Курдюмова Т.Ф.	1996-1998
5.Алгебра	Алимов Ш.А. и др.	1995-1998
6.История Узбекистана	Д. Раҳимов	новое изд.
7.Всемирная история	Э. Холиқов и др.	новое изд.
8.Человек и его здоровье	Аминов Б. и др.	1997
9. Химия	Сатбалдина С.Т.	1996-1998
10.Химия	Рудзитис Г.Е.	1996-1998
11.Физика	Шахмаев Н.М. и др.	1996-1998
Сборник задач по физике, 9-11 кл.	Рымкевич А.П.	все года изд.
12.Английский язык	Старков А.П.	1995-1998
13.Английский язык	Кузовлев В.П.	1996-1998
14.Немецкий язык, 8-9 кл.	Бим И.Л.	1993-1998
15.Немецкий язык, 8-9 кл. (Книга для чтения)	Бим И.Л.	1995
16.Французский язык 8-9 кл.	Кулагина А.С.	1997-1998
17.Испанский язык	Белоусова В.А.	1992
18.Информатика, 8-9 кл.	Гейн А.Г.	1995-1998
19.Экономическая география мира	В. Максаковский и др.	1995-1998
20.Основы эконом. 9-11-кл.	Матвеев В.Г.	1996-1999

10-класс

1.Узбекский язык.10-11 кл.	Азларов Э. и др.	1993-1999
2.Литература	Лебедев Ю.В.	1992-1998
3.Алгебра и начало анализа, 10-11 кл.	Алимов Ш.А. и др.	1995-1998
4.Геометрия,10-11 кл.	Атанасьян Л.С.	1995-1998
5.Основы инфор.И вычис. Тех. 10-11 кл.	Гейн А.Г.	1995-1998
6.Физика	Мякишев Г.Я.	1996-1998
7.Физика	Шахмаев Н.М.	1996-1998
8.Обшая биология, 10-11 кл.	Я. Туракулов и др.	новое изд.
9.Химия	Рудзитис Г.Е.	1996-1998
10.Английский язык	Старков А.П.	1993-1998
11.Письмо на англ. яз.10-11 кл.	Сафонова В.В.	1995
12.Немецкий язык	Бим И.Л.	1993-1998
13.Испанский язык	Белоусова В.А.	1990-1998
14.Книга для чтения к учебнику франц.яз. 10-11 кл.	Золотницкая С.П.	1995-1999
15.Основы экономики 9-11 кл.	Матвеев В.Г.	1996
16.История Узбекистана	Д. Алимова и др.	новое изд.
17.Всемирная история	Г. Хидаятов	новое изд.
18.Начальная военная подготовка	Мин. Оборон. Рес. Узб.	1996

11-класс

1. Узбекский язык, 10-11 кл.	Азларов Э.	1993-1999
2.Литература	Лыссова Ю.И.	1998
3.Литература в 2-х частях	Баранников А.В.	1993-1998
4.Физика	Мякишев Г.Я.	1996-1988
5.Физика	Шахмаев Н.М. и. др.	1996-1998
6.Астрономия	Воронцов-Вельяминов В.А.	1996-1998
7.Химия	Рудзитис Г.Е.	1996-1998
8.Английский язык	Старков А.П.	1993-1998
9.Немецкий язык	Бим И.Л.	1993-1998
10.Испанский язык	Белоусова В.А.	1993-1998
11.Французский язык, 10-11 кл.	Золотницкая С.П.	1995
12.Книга для чтения к учеб. Франц. Яз. 10-11 кл.	Золотницкая С.П.	1995
13.Основы экономики 9-11 кл. (для учителей)	Матвеев В.Г.	1996-1999
14.Алгебра и начало анализа, 10-11 кл.	Алимов Ш.А. и др.	1995-1998
15.Основы информат. и вычес. Тех. 10-11 кл.	Гейн. А.Г.	1995-1998
16.Геометрия. 10-11 кл.	Атанасьян Л.С.	1995-1998
17.История Узбекистана	Жураев Н. и др.	новое изд.
18.Всемирная история	Г. Хидаятов	новое изд.
19.Обшая биология, 10-11 кл.	Я. Туракулов и др.	новое изд.

Учебники для углубленного изучения

1.Английский язык, 2 кл.	Верешагина И.Н.	1993
2.Английский язык, 3 кл.	Верешагина И.Н.	1992-1995
3.Английский язык, 4 кл.	Верешагина И.Н.	1995

Примечание: учебн. литер не вкляю. в данный список списоваются из фонда *школьной библиотеки*

(Давоми газетамизнинг келгуси сонида)

НУТҚ МАДАНИЯТИ: ТАКОМИЛЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

ДАРСГА ШЕЪР БИЛАН КИРАЙЛИК

Тилингни авайла - омондир бошинг,
Сўзингни авайла - узаяр ёшинг.

Аждодларимизнинг ушбу кўҳна даъвати мудом халқимизни ўз она тилига нисбатан меҳру садоқат кўрсатишга чорлаб келмоқда. Аввал хабар берганимиздек, 29-30 апрель кунлари Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбек тили доимий анжумани ҳам юқоридаги даъватга авлодларнинг жавоби бўлди.

Анжуман ялпи йиғилишини Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири, Ўзбек тили доимий анжуманини тайёрлаш гуруҳининг раиси Ж.Йўлдошев кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг Ватанимиз мадҳияси янгради. Бухоро вилояти ҳокими С.Ҳусенов йиғин қатнашчиларини самимий қутларкан, анжуман ишига ривож тилади. Шундан сўнг халқ таълими вазири Ж.Йўлдошев сўзга чиқди.

- Биз ушбу анжуманда шу вақтгача қилинган ишлари сарҳисоб этиб, қилинажак вазифаларни белгилаб оламиз, - деди ўз сўзида нотиқ. - Ёзма ва оғзаки нутқни ривожлантира олган одамгина эркин ва мустақил фикрлай олади. Биз болани ўқитмайлик, ўқишга ўргатайлик, билим бермайлик, билимни излашга ўргатайлик. Шу маънода ўзбек тили ва адабиёти дарсларида ўқувчиларни пассив эшитувчидан фаол иштирокчига айлантиримоғимиз лозим. Нутқ маданиятини шакллантиришда, аввало, саводхонликни оширишга эътибор беришимиз зарур. Дарсларга шеърни олиб киримоғимиз шарт. Қани энди 1-синфга келган ўқувчи 100 та шеър билса. Шеъриятга шайдо одамнинг кўзида меҳр товланади.

Шундан сўнг Ўзбек тили доимий анжумани раиси, филология фанлари доктори, профессор Низомиддин Маҳмудов, Қашқадарё вилояти Косон туманидан анжуманга ташриф буюрган Она тилидан тажриба ўқув дастури синовчиси , ўқитувчи Озода Дўстмуродовалар сўзга чиқиб, бугунги кундаги маданий нутқ муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллари, ўзбек тилидан тажриба ўқув дастурини синаш жараёни ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Ялпи йиғилиш, гарчи дастурда белгиланмаган бўлса ҳам, ижодкор ўқитувчиларнинг мушоираси билан якун топди.

ТАРИХГА ҚАДАЛГАН ТЕРАН НИГОҲЛАР

Бухорои шариф дунёнинг энг кўҳна шаҳарларидан биридир. Аммо ҳужжатларга кўра бу шариф шаҳарнинг тамал топишига сабаб бўлган тарихий жараёнлар ундан-да олис мозийга бориб тақалади. Аждодларимиз томонидан кўҳна Обавия ва Вардона (Вардонзе) қалъалари қурилганида, бу ердан ўтган Буюк ипак йўли орқали жаҳонга қадам қўйилганида Бухоронинг бино бўлиши ҳали минг-минг йиллик ҳаёл эди...

Бухоро тарихий макон сифатида ўз фарзандлари томонидан ўрганилган, ўрганилмоқда. Унинг шонли тарихи муаррихлар Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршаҳий, Ҳофиз Таниш Бухорий, Аҳмад Дониш, Абдурауф Фитрат, Иброҳим Мўминов ва бошқа миллатпарвар зиёлилар томонидан катта-кичик рисолаларда дарж этилган. Бугун ҳам ёш авлод Ватанимиз тарихига меҳр қўйиб, аждодларга муносиб ворис бўлишга ҳаракат қиляпти. Буни биз Ўзбек тили доимий анжумани баҳонасида шу куни очилган Бухоро шаҳридаги тарих фанига ихтисослашган 6-ўрта умумтаълим мактаби мисолида кўришимиз мумкин бўлади.

Тарих мактабининг очилиш маросимида Бухоро шаҳри ҳокими К.Камолов, халқ таълими вазири Ж.Йўлдошев, Бухоро вилояти ҳокими С.Ҳусенов, Олий Мажлис депутати, академик А.Қаюмов, ЎзПФИТИ илмий ходими Й.Абдуллаевлар сўзга чиқишди.

Мактаб директори М.Ботированинг бизга маълум қилишича, мактабни бу ҳолига келгунига қадар маҳаллий ҳокимият ҳисобидан 13 миллион сўмдан ортиқроқ маблағ сарфланган. Айни вақтда бу ерда 5, 6 ва 9-синф ўқувчилари таълим олишяпти. Яқин келажакдан бошлаб мактабга қўшни вилоятлардан ҳам ўқувчиларни қабул қилиш йўлга қўйилади.

Бу даргоҳга келиб дилимиздан ўтгани шу бўлди: Ватанимиз тарихи, ўзлиқимизни билишга интилиш кучли экан, демак, тарихимиз ўлмайди, унга қанчалар теранроқ нигоҳ ташлаганимиз сайин келажагимиз шунчалар яққолроқ кўзга ташланаверади.

АНЖУМАН БАҲОНА...

Одатда тўй устига тўйлар бўлаверсин, дея тилак билдиради дуогўй кекса отахонларимиз. Шу куни Бухоро туманида жойлашган 1-иқтидорли болалар лицейида ҳам байрамона кайфият ҳукмрон бўлди. Халқ таълими вазири лицейда ташкил этилган «Фидойилар клуби» аъзолари билан учрашув ўтказди. Тўғриси, мазкур учрашув бунчалик баҳсу мунозараларга сабаб бўлади, деб ўйламаган эдик. Тиббиёт, иқтисод, жамиятшунослик ва хорижий тилларга ихтисослашган лицейнинг ўқувчилари, барибир, аълочилик қилишди: улар вазирнинг барча саволларига қутилганидан яхшироқ жавоб қайтаришди. Умуман олганда, ўқувчиларнинг фикрлаш қобилияти яхши, нотўғри билдирилган фикрга ўзининг муносабатини билдира олади, суҳбатдоши билан баҳсга кириша олади. Бугун таълимга айнан ана шундай фарзандлар тарбиялаш вазифаси юкланган.

Вазирнинг зукко ўқувчиларга меҳри тушди чоғи, ўзи ёзган китобларига дасхат битиб, лицейга топширди. Бугина эмас, вазир лицей ўқувчиларига энг сўнгги моделдаги замонавий компьютер тўпламини совға қилди ва лицей ўқувчиларидан қўшни мактабларда ўқиётган тенгдошларини ҳам бу ерга таклиф қилиб, компьютерни ўргатишни илтимос қилди.

Фидойи ёшлар билан учрашувда Бухоро вилояти ҳокими С.Ҳусенов ҳам иштирок этиб, ёшлар бундан-да кенгроқ дунёқарашга, кучли билим ва тафаккурга эга бўлишлари лозимлигини уқтириб ўтди. Шунингдек, вилоят ҳокими лицейни келгусида таъмирлаш ва жиҳозлаш, моддий базасини мустаҳкамлаш ишлари тўла маҳаллий ҳокимият зиммасида бўлажагини ҳам таъкидлади.

Бу савобли ишда Бухоро туманидаги ҳокими Бекмурод Пўлатов бошчилик қиладиган бўлди.

Аслидаям ҳокимларнинг мактабга ташрифи асосан мактабни, мактаб жамоаси ўқувчиларини ҳар тарафлама рағбатлантириши - эътибори билан ўлчанади. Зеро, юртбошимиз ҳокимларни мактаб шароитидан, ўқувчи ва ўқитувчилар ҳолидан хабар олишга чорланганларида ана шу эътиборни назарда тутган эдилар.

ҲАҚИҚАТ БАҲСЛАРДА ТУҒИЛАДИ

Шундай экан, Ўзбек тили доимий анжуманининг бешинчи йиғини иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 203-қарори асосида синов, Давлат таълим стандарти, Давлат тили таълими, мактабгача таълим, бошланғич таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими, махсус таълим (ёрдамчи мактаб) ва олий таълим шўъбаларида маърузалар ўқишиб, «Таълим жараёнида нутқ маданиятини такомиллаштириш» муаммоларига бағишлаб, қизғин баҳсу мунозараларга киришдилар.

Бухоро шаҳридаги 9, 1, 6-мактаблар, академик лицей, 124-интернат, касб-ҳунар коллежи, Бухоро ВПХМОИ ва 54-боғчада бўлиб ўтган мунозаралар тилимиз равнақи учун ҳисса бўлиб қўшилгани шубҳасиз.

Анжуманнинг иккинчи иш куни бевосита амалий жараёнларда ўтди. Республикамизнинг турли бурчакларидан ташриф буюрган она тили ва адабиёти фани ўқитувчилари вилоятнинг барча туманларига ташриф буюришди. Наманган ва Навоий вилоятларидан келган бир гуруҳ анжуман қатнашчилари Бухоро вилояти халқ таълимида рейтинг усули ва умуман янги педагогик технологиялар бўйича карвонбошилик қилаётган Шофиркон туманида бўлишди. Меҳмонлар тумандаги «Қуёшжон» болалар боғча-яслисида, академик И.Мўминов номидаги 38-ўрта мактабда ва туман болалар ва ўсмирлар уйида бўлишиб, тарбияланувчи ва ўқувчиларни нутқ маданияти, дарсларда ва бошқа жараёнларда адабий тил маромлари нечоғлик тўғри қўлланилаётганлигининг гувоҳи бўлдилар.

«БИР ЎРГАНИШ, БИР ЎРГАТИШ»

30 апрель. Куннинг иккинчи ярми. «Бухоро» меҳмонхонасининг мажлислар зали. Ўзбек тили доимий анжуманининг бешинчи йиғини ана шундай муҳташам бинода якун топди. Якуний мажлисда шўъбалар раисларининг ахборотлари тингланди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 203-қарори амалиёти: синов, Давлат таълим стандарти шўъбаси раиси, АДУ проректори, филология фанлари доктори А.Нурмонов, Давлат тили таълими шўъбаси раиси, ТошДУ доценти А.Рафиев, мактабгача таълим шўъбаси раисаси, Бухоро педбилим юрти доценти Қ.Шодиева, бошланғич таълим шўъбаси раисаси, педагогика фанлари доктори Қ.Абдуллаева, умумий ўрта таълим шўъбаси раиси, БухДУ профессори А.Ғуломов, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими шўъбаси раиси, ТошДУ пофессори Е.Тожиев, махсус таълим (ёрдамчи мактаб) шўъбаси раисаси, педагогика фанлари номзоди Р.Шомаҳмудова, олий таълим шўъбаси раиси, филология фанлари доктори F.Абдурахмоновлар сўзга чиқишиб, шўъба йиғилишлари юзасидан анжуман ҳайъат комиссиясига, қатнашчиларига ахборот беришди.

Ўзбек тили доимий анжуманининг бешинчи йиғини сўнггида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири, анжуманни тайёрлаш гуруҳининг раиси Ж.Йўлдошев сўзга чиқди. У ўз сўзида анжуман кўтаринки руҳда ўтганлигини таъкидлар экан, бунинг учун уни ташкил этишда бевосита ёрдам берган Бухоро вилояти, шаҳри ва туманлари ҳокимларига ўз миннатдорчилигини билдирди. Вазир ўзига берилган ёзма саволларга жавоб қайтарди.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек тилига Давлат мақоми берилганлигининг ўнинчи йилида бўлиб ўтган ушбу тарихий анжуман қатнашчилари хотирасида узоқ вақт сақланиб қолса, ажаб эмас. Энг муҳими, анжуман иштирокчилари ўз кўрганларини, ўрганганларини жойларга борганда шогирдларига, ҳамкасбларига ёйсалар, миллатимиз ғурури бўлган тилимиз тараққиётига бир қадар муносиб ҳисса қўшган бўлур эдилар.

Ҳ.ОМОНОВ,
Н.АСЛОНОВ

Tahlil

ОДОБНИНГ БОШИ ТИЛДИР

Гўзал ва нафис нутқ сезгиси ҳамда унга азалий ихлосу эҳтиром анъанасининг ибтидоси, айниқса, кўҳна Шарқда жуда қадим замонларга бориб тақалади. Унинг бағрида бундан беш минг йиллар бурун дунёга келган энг «кекса» муассасалардан бўлмиш илк мактабларнинг бош вазифаларидан бири ҳам болани тўғри, аниқ гапириш ва ёзишга ўргатишдан иборат бўлган. Айни вазифанинг бизнинг кунларимизга қадар ҳам ўша мавқеини йўқотмай келаётганлиги ҳар қандай жамиятда тил ва нутқ нуфузининг нечоғлик салобатли ўрин тутишининг шаҳодатидир.

Улуғ аждодимиз Юсуф Хос Ҳожиб «Одобнинг боши тилдир» деб бежиз айтмаган. Халқимизнинг оғзаки ва ёзма сўз хазинасидаги нутқий хулққа оид бундай пурмаъно ҳикматларининг санаб саноғига етиш мушкул. Нотиқлик, хотиблик, воизлик бизда қадим замонлардан санъат даражасига кўтарилган.

Тилимиз ва дилимиз истибдод исканжасида инграган яқин ўтмишимизда минг йиллик анъаналаримиздан бўлмиш расо нутқ одоби парвариши, маънавий-маърифий тарбия масалаларига нописандлик билан қаралди. Бунинг мудҳиш оқибати ўлароқ миллий ўзликнинг моҳияти муаллақлашди.

Шуни алоҳида таъкидламоқ жоизки, табиат ва жамиятда инсон тилидай мураккаб, серқирра, серқатлам, сервазифа, шакл ва мазмун таносиби таранг ҳодиса камдан-кам топилади. Тил дунёни билиш, билимларни тўплаш, сақлаш, кейинги авлодларга етказиш, руҳий муносабатларни акс эттириш, гўзаллик категорияларини воқелантириш каби бир қанча вазифаларни бажаришига қарамасдан, асосий эътибор унинг кишилар ўртасидаги алоқани таъминлаш вазифасига қаратиб келинди. Тилни фақат кишилар ўртасидаги алоқа воситаси сифатидагина талқин этиш инсоннинг табиий тилини, бу бениҳоя мураккаб ва муҳташам ҳодисани энг қами жўнлаштиришдан, аниқ бир миллий қиёфа ёки миллий-руҳий заминдан мутлақо мосуво бўлган сунъий тилга (масалан, эсперанто каби) тенглаштиришдан, йўл ҳаракатини тартибга солиш мақсадида яратилган шартли «тил»га бараварлаштиришдан бошқа нарса эмас. Агар тил фақат алоқа воситасигина бўлганда эди, у жуда оддий, содда ва қашшоқ бир нарсага айланган бўларди. Ҳолбуки, тил бемисл бой, сеҳру синоатга, руху руҳониятга, кўрку комилликка лиммо-лим бир ҳилқатдир.

Чинакам нутқ маданияти эса тилни ана шундай рангин хилқат тарзида идрок этиш асосида шакланади.

Аниқки, нутқ маданияти жамият маданий-маърифий тараққиётининг, миллат маънавий камолотининг муҳим белгисидир. Ҳақиқий маънодаги маданий нутқ шахс умуммаданий савиясининг фавқулодда муҳим унсурларидан биридир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб эълон қилинган бугунги кунда нутқ маданияти масалалари, фарзандларимизнинг нутқий маданият кўникмалари ва малакаларини ошириш, таълим жараёнларининг барча босқичларида маданий нутқ муаммоларини етарли даражада назарда тутиш ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб этганлиги бежиз эмас.

Республикамизнинг «Давлат тили ҳақида»ги, «Таълим тўғрисида»ги Қонунлари, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва бошқа жуда кўплаб ҳужжатларда маънавий-маърифий тарбия, тил масалаларига алоҳида аҳамият берилган. Жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси, ҳар қандай мутахассис, замон билан ҳамқадам кадр, энг аввало, ўз она тилининг собит соҳиби бўлмоғи лозим. Президентимиз И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги IX сессиясида сўзлаган нутқида шундай деб таъкидлаган: «Ўз фикрини мутлақо мустақил, она тилида равон, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассисни, аввламбор, раҳбар курсисида ўтирганларни бугун тушуниш ҳам, оқлаш ҳам қийин» (Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент, «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти, 1997, 9-бет).

Фикрни она тилида мустақил, равон, гўзал ва лўнда ифода эта олмоқ учун одамда нутқий маданият етарли даражада бўлмоғи лозим. Бусиз, она тилига соҳиблик деган тушунча ҳам маънога эга эмас. Зеро, нутқ маданияти тилдан бемалол ва мақсадга ўта мувофиқ тарзда фойдалана олишни таъминлайдиган кўникма, малака ва билимларнинг жами демакдир.

Нутқнинг маданийлигини таъмин этадиган тўғрилик, аниқлик, мантиқийлик, ифодалилик, бойлик (ранг-баранглик), софлик каби бир қанча сифатлар мавжуд. Ана шу коммуникатив сифатларнинг барчасини ўзида мужассамлаштирган нутқ маданий ҳисобланади.

Албатта, нутқнинг тўғрилиги, яъни унинг адабий тил мезонлари (талаффуз, сўз урғуси, сўз ясалиши, морфологик, синтактик, услубий мезонлар)га қатъий мослиги маданий нутқнинг асосий сифатидир. Аммо ҳар қандай тўғри нутқ маданий бўлавермайди, у зикр этилган бошқа коммуникатив сифатларга ҳам эга бўлгандагина чин маънодаги маданий нутқ рутбасини ола билади. Шунга қарамасдан, таассуфки, узоқ вақтлар бизнинг таълим тизимимизда, асосан, нутқнинг ана шу коммуникатив сифатига, яъни унинг тўғрилигигагина диққат қилинди, шу сифатни ўргатишга зўр берилди.

Шуни ҳам таъкидламоқ жоизки, мактабда бола тўғри нутқ тузишга ўргатилар экан, яъни унинг онгига адабий тил мезонларига риоя қилиш тажрибалари сингдирилар экан, бу мезонларнинг кучли ва кучсиз типлари мавжудлигини назарда тутмоқ лозим. Она тили таълими жараёнларида, болада нутқ маданиятини тарбиялашда асосий диққатни кучсиз мезонларга қаратиш мақсадга мувофиқ, чунки нутқ амалиётида кучли мезонлар деярли бузилмайди, кучсиз мезонлар эса нутқ тузувчининг иккиланишига, ва демак, нутқий нуқсонга кўпроқ йўл очади. Масалан, эга ва кесимнинг шахс ва сонда мослашуви кучли синтактик мезон, бу мезон боланинг тили чиқаётган палладаёқ унинг мурғак шууридан муқим жой олган. Шунинг учун ҳам ҳеч ким адашиб, «Мен келдинг» шаклида жумла тузмайди. Шундай экан, она тили таълимида адабий мезонларнинг айни шу кучсиз типларини ўрганишга кўпроқ вақт сарфлаш ҳам мантиқли, ҳам фойдали бўлади. Аммо бу муҳим жиҳат ҳам етарли даражада инобатга олинмай келди.

Нутқнинг аниқлиги, мантиқлилиги, ифодалилиги, бойлиги, софлиги каби тилнинг тириклиги, таъсирчанлиги ва жозибадорлигини таъмин этадиган сифатлар билан сўзловчини, ўқувчини яқиндан ошно этишга қаратилган ишлар она тили таълимида ўзининг муносиб ўрнини эгалламай келганлиги маълум. Бунинг натижасида грамматик жиҳатдан тўғри, аммо руҳсиз, жонсиз, тароватсиз, ширасиз жумлалар мақбул нутқ намуналари сифатида тақдим этилди. Табиийки, булар болаларнинг сўз сезгисини ўстиришга эмас, балки ўлдиришга кўмаклашади. Оқибатда она тили дарслари бола кўнглига тил завқини олиб киролмайди... Агар одамда тил завқи, назокатли сўз сезгиси, она сўздан ҳузурланиш ҳисси бўлмас экан, унда нутқ маданияти малакаларини балоғатга етказишга уриниш беҳуда машғулотдир.

Яна бир эски ҳақиқат шуки, одамнинг илк дунё сезгиси гўдакликдан бошланади, бу сезгига мақбул ва матлуб шакл бериш, уни рост ва расо ўзанга йўналтириш, унинг ўткир ва теран тафаккур, аниқ ва тиниқ тасаввур, замон ва макон сарҳадларидан сакрай биладиган тахайюл тарзида тўлиқиб бориши учун пойдор замин яратиш айни шу даврдан ибтидо олмоғи лозим.

Беш-олти ёшгача одамлар билан мулоқотда бўлмасдан ўсган бола кейин нафақат тилни билиш, ҳатто нутқ товушларини талаффуз қила олиш қобилиятидан ҳам маҳрум бўлади. Шунинг учун ҳам тил завқи, маданий нутқ сезгиси ва сўз севгиси борасидаги илк тарбия оилада, бола бир-икки сўзни «чуғурлаш» бахтидан сармаст бўлган пайтданоқ бошланиши керак. Болада шаклланажак лисоний завқ ва нутқий маданиятнинг тақдирида бу пайтда уни ўз оғушига олган нутқий муҳит, яъни катталарнинг нутқий хулқи ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу ўринда инжа сўздан ўзларига боқий ҳайкал ясаб кетган жуда кўплаб бадиият намояндаларининг нозиктаъб, сўзсевар отаоналари, қариндошлари, яқинлари, оилаларидаги ибратли нутқий муҳит туфайли болаликда «юққан» сўз сезими лаёқати ҳақидаги хотираларини эслаш ҳам мақсадга мувофиқ.

Катталар нутқидаги ҳар қандай ноқислик ёки тугаллик секин-аста гоҳ ғайришуурий, гоҳ шуурий тарзда боланинг нутқий кўникмаларида барқарорлашиб бораверади. Боланинг дастлабки катталар нутқига тақлиди вақт ўтиши билан одатий тахлитга кириб кетаверади. Бу пайтда онгга ўрнашган ҳар қандай тил кўникмаларидан, хоҳ яхши бўлсин, хоҳ ёмон бўлсин, кейин қутулиш анчайин қийин кечади. Биргина мисол. Бола бу ёруғ дунёга келган сониядан бошлабоқ унинг қулоғи одатда у ёки бу шевадаги нутқ таъсирида бўлади, истаймизми-йўқми, тили ҳам шу шевада чиқади, оилада то боланинг тили қотгунча уни адабий талаффуз томон тортишга урониб ҳам кўрилмайди. Кейинчалик уни адабий талаффузга ўргатиш учун кўп куч сарфланади, аммо натижа ҳамиша ҳам кўнгилдагидек бўлавермайди. Ҳатто тил ва адабиёт ўқитувчиси бўлиб етишган, айтайлик, хоразмликнинг «о» товушини соф адабийча талаффуз қилиши мушкулотга айланади. Ана шу маънода «Боланинг тили роса чиқиб олаверсин, унинг нутқий маданияти ҳақида қайғуриш қочмас, мактаб ҳаммасини ўргатади» қабилида мулоҳаза қилиш ақлнинг иши эмас. Ўз фарзандининг тили бурро ва дили рўшно, сўзга чечан ва фикри теран, сўз билан илонни инидан чиқара биладиган бўлиб фазлу камолга етишини астойдил истайдиган ота-она буни унутмаслиги керак.

Узлуксиз таълим тизимининг ҳеч бир истисносиз барча босқичларида нутқ маданияти малакаларини шакллантириш ва такомиллаштириш, бирор сония бўлсин, эътибордан четда қолмаслиги лозим. Айниқса, мактабгача тарбия муассасаларида бу борадаги иш бениҳоя зийраклик ва мунтазам маҳорат билан олиб борилмоғи талаб этилади.

Мактабгача тарбия муассасаларининг мураббиялари боланинг сўз идроки имкониятларини аниқ ва оқилона ҳисобга олган ҳолда уни тилнинг сирли оламига олиб кириш йўлларини тинимсиз изламоғи керак. Бошқача қилиб айтганда, болада нутқий маданиятни шакллантиришда унинг ёши, тасаввур ва тафаккур дунёсини зўриқтирмайдиган сўз ва ифодаларни саралаш асосий омиллардан биридир.

Бола тил идрокининг ҳар қандай зўриқиши уни сўздан совутади, сўз завқига сув сепади, ҳафсаласини пир қилади. Бундай ҳолатда болада борабора тилга нисбатан лоқайдлик, нутқий танбаллик, демакки, руҳий ялқовлик пайдо бўлади. Шунинг учун, аввало, сўз ва ифодаларни танлашда бениҳоя ҳушёрлик зарур. Бола ўрганаётган ҳар қандай янги сўзнинг жаранги, ранги ва оҳангини ҳис эта билсагина, унда сўзга чинакам муҳаббат пайдо бўлади, ўз нутқини назорат қила бошлайди.

Таъкидлаш жоизки, мактабгача тарбия муассасалари учун тавсия этиладиган, жажжи вужуддаги мурғак шуурнинг шамойили учун масъул бўлган покиза бўстон - боғчанинг эшигидан ичкарига кирадиган ҳар қандай китоб ёки бошқа босма маҳсулотнинг тили расо, бийрон ва бола учун мутлақо «ўзиники» бўлмоғи шарт, чунки бола шу тилдан намуна олади, шу тил унга андоза вазифасини ўтайди.

Умуман, ёш авлод нутқий маданиятини изчил камол топтириш, бу ишнинг энг мақбул ва самарали усулларини излаб топиш ҳамда таълимга татбиқ этабориш олимлар ва ўқитувчилар олдидаги бурч эканлигини бирор дақиқа унутмайлик.

Низомиддин МАҲМУДОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

Fikr

БАЙРАМГА АЙЛАНДИ

Биз самарқандлик ўқитувчилар, бу анжуманда тилимизнинг ажойиб жонкуярларини кўрдик, суҳбатлашдик. Олам-олам билим олдик.

Биз Ғиждувон туманидаги 3-интернат, 7-умумтаълим ва 21-сон мактаблардаги аълочи, зукко ўқувчиларнинг чиқишларидан завқландик. Устоз ўқитувчиларига тасаннолар айтдик. Ўз мактабларимизда ўқувчиларимизга олган сафар таассуротларимиз асосида билим беришни ният қилдик.

Шу билан бирга тил анжумани ташкилотчиларига самимий миннатдорчилик билдирамиз. Анжуман сўнгида Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний қабрларини зиёрат этдик. Бу улуғларнинг пок руҳлари ўқитувчи ва ўқувчиларимизни ҳамда халқимизни қўлласин!

Иззатулла ҒАЗНАЕВ
Мамадулло УСМОНОВ
Самарқанд вилояти.

Бу анжуман мустақил Ўзбекистонимизнинг давлат тилига бўлган меҳр-муҳаббати, тилимизнинг гўзал, равон тил эканлигини яна бир бор намойиш қилди. Анжуман бизда катта таассуротлар қолдирди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазири Жўра Йўлдошевнинг маърузалари бизни тўлқинлантириб, ўз Ватанимизга, она тилимизга бўлган меҳримизни янада оширди. Мен ёш авлодни садоқат руҳида тарбиялаётганимдан беҳад хурсандман.

Ўғилой АҲМЕДОВА,
Кармана шаҳар 1-ўрта мактабнинг она тили ва адабиёт фани олий тоифали ўқитувчиси

ДАВР ТАҚОЗОСИ

80-йилларда бир гуруҳ тилшунос олимлар ўзбек тили таълими мазмунини янгилаш фикрини ўртага ташладилар. Улар орасида амалдаги ўқув йилида синовдан ўтаётган она тили дастур ва дарслик муаллифларидан бири, жонкуяр ва хассос тилшунос Ҳамид Неъматов ҳам бор эди. Ташаббус амалиётчи ўқитувчиларнинг ҳимояси ва йўлланмаси, фикр-мулоҳазаларига муҳтож эди. Шу боис ҳам Ҳ. Неъматов биринчилардан бўлиб республика тил анжуманини таъсис этиш таклифини илгари сурди. Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган фикрда профессор Ҳ. Неъматовнинг ана шу ижодий жараён, дастур ва дарслик яратиш билан боғлиқ мулоҳазаларини ўқийсиз.

Синовдан ўтаётган дарслик ва дастурдан асосий мақсад битта — ўқувчини ўйлашга, фикрлашга ундаш, унда ижодий тафаккур кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш. Албатта ўз-ўзидан бунга қандай усуллар билан эришиш кўзланади, деган савол туғилади. Бунга жавоб: ўқувчини она тилининг бой, айтиш лозим чексиз имкониятлар хазинасига киритиш, аниқроғи унга киришга йўлланма бериш, уни қизиқтириш, ўқувчида билим олиш вазиятини юзага келтириш, излаш, топиш ва ўйлаш. Ўз навбатида, фикр тил, нутқ орқалигина шакллантирилиши, ифода этилиши мумкин. Бу эса яна ўз навбатида, она тили, адабий тил меъёрларини, оғзаки ва ёзма нутқ қонун-қоидаларини билишни тақозо этади. Мана шу усул билан узлуксиз ҳалқа, занжир юзага келади, бу бутунликнинг ҳар бир таркибий қисми бири иккинчисини тақозо қилади. Инсонда фикр ривожланмас экан, демак, унда нутқ ҳам ривожланмайди. Нутқ ривожланмаса, саводлиликка эҳтиёж ҳам сезилмайди. Мана, шунинг учун умумий ўрта таълим тизимида она тили машғулотларининг мақсади ўқувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш, ижодий фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда ёзма ва оғзаки шакларда тўғри ва равон ифодалаш кўникмаларини шакллантириш, деб белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 12 январдаги қарори ҳамда унинг иловаси, ижро назорати схемалари батафсил ёритилган. Бу ўз навбатида ишни ташкил қилишда ҳукумат қарорлари ижросини таъминлашга хизмат қилади. Ушбу қарор талабларини бажариш юзасидан ХТВ ҳайъат мажлисининг қарори баёни ҳам ижросини текшириш ва қатъий назорат юритиш талаб этиладиган ҳужжатлар ҳамда унинг бажарилишига масъул раҳбарлар, муддатлар ҳақида тўлиқ маълумот беради. Шунингдек, педагогика фанлари доктори, профессор М.Очиловнинг «Мактаб раҳбарининг ўқитувчилар билан муомала одоби» мақоласидан раҳбарлик ва ижодкорлик тамойилларини уйғунлаштира билиш борасида қизиқарли фикрлар топишингиз мумкин. «Мактаб директори минбари» рукни остида мактаб ички назоратини режалаштириш юзасидан берилган мақолада дарс билан боғлиқ тажриба хулосалари билан танишасиз.

Ниҳоят, Т.Мўминовнинг «Англия таълим тизими» номли мақоласида Европанинг энг ривожланган давлатларидан бирининг бир неча юз йиллик тажрибасининг бугунги ўзига хос хусусиятлари билан танишасиз. Ўйлаймизки, «Таълим тараққиёти» сизнинг ҳаммаслагингиз бўла олади.

Ф.КАРИМОВ

Jurnalning yangi soni

МУШТАРАК ОРЗУ МАСЛАКДОШИ

«Таълим тараққиёти» - Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ахборотномасининг навбатдаги сони нашрдан чиқди. Таълим тизими раҳбарлари ва ходимларининг иш фаолиятида Ахборотнома қандай аҳамият касб этади?

Ислоҳотларни чуқурлаштириш, жараёнида кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш йўлида ҳуқуқий маслакдошимиз саҳифаларига бир назар ташланг-а. У «Ижро интизомини мустаҳкамлаш - давр талаби» номли таҳлилий мақола билан бошланади. Мақолада таълим тизими доирасида ўтган бир ярим йил давомида қабул қилинган ҳужжатлар ижроси юзасидан бажарилган амалий ишлар таҳлили аниқ далиллар асосида очиб берилган.

Бундан ташқари Ахборотномада «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг ...

Fil va adabiyot ta'limi

1999 • 1

«Тил ва адабиёт таълими» журналининг бу йилги илк сони мазмун ва мундарижасининг бойлиги, ҳажмининг икки баробарга ошиши ҳамда илова билан нашр қилиниши муаллимларимизни қувонтириши шубҳасиздир.

«Муаммолар... Вазифалар.. Ечимлар» рукнида Нусратулло Жумахўжанинг мақоласи билан танишар экансиз, маънавиятга янгича муносабат давлат миқёсида, давлатбоши раҳбарлигида ривожлантирилаётганидан ва миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолганидан фахрланасиз.

Урганч давлат университети ўқитувчиси Аноргул Отажонованинг мақоласи она тили дарсларида атоқли отларни ўрганувчи соҳа – онамастикадан фойдаланиш ҳақида бўлиб, муаллиф фикрича жой номларини тўплаш ўқувчиларни маънавиятимиз сарчашмалари юзасидан изланишлар олиб боришга ўргатади.

«Ноанъанавий дарслар» рукнида наманганлик ҳамкасбингиз Абдуғаффор Ҳамдамовнинг «Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкираси бўйича саҳна дарси» берилган. Ўйлаймизки, бундай ижодий дарслар ўқувчиларни мустақил ишлаш ва изланишга ўргатиши билан аҳамиятлидир.

Носиржон Охуновнинг «Жой номларига яшириган маъно» мақоласидан кўплаб номларнинг келиб чиқишини билиб олишингиз мумкин.

Фарғона ДУ докторанти Т. Раҳмоновнинг «Боборахим Машрабнинг «Мабдан нур» асари лексик-статистик тадқиқоти» мақоласи ҳам ўқитувчилар учун қўшимча янги маълумотлар беради.

Уялма маърифатни ўрганурдин.

Танур жойинг бўлур, қолсанг танурдин.

Сўфи Оллоёрнинг «Сабот ул-ожизин» асаридан келтирилган ушбу парча бугунги кунимиз муаммоларига ҳам мос тушади. СамДУ тадқиқотчиси М. Салоҳиддинованинг мақоласи шу асарда илгари сурилган таълимий қарашларни таҳлил қилишга бағишланган.

Шунингдек, журналда тил ва адабиёт муаллимларимизга кўмак берувчи яна бир қанча тадқиқий мақолалар эълон қилинган.

Журналнинг бу сони илова билан берилган. Унда адабиёт дастурига янги киритилган матнлар, жумладан, А. Қодирийнинг «Жиннлар базми», Ч. Айтматовнинг «Олтовлон ва еттинчи» \романдан парча\, А. Қаҳҳорнинг «Даҳшат», Оғаҳийнинг айрим ғазаллари мазмуни ва луғати, халқ қўшиқларидан намуналар билан танишишингиз мумкин.

Шунингдек, таълим бошқа тилда олиб бориладиган мактабларнинг 2-9-синфлари учун давлат тилидан тажриба-синов материаллари ҳам ўқитувчилар ҳукмига ҳавола этилган.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
«Тил ва адабиёт таълими» журнали бўлим муҳаррири

Jurnal sahifalarida

ЖУРНАЛ ИЛОВА ИЛА

ХУШ ВА НОХУШ МАНЗАРАЛАР

(Боши 1-бетда)

Аммо, марказдан олисдаги ўқув даргоҳларида маънавият масаласига етарлича эътибор берилмаётганга ўхшайди. Мисол учун, 28-мактабда белгиланган вақтда йиғинлар ўтказилаётгани ҳолда, бу ерга келган тавсияномалар, ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ижросининг баённомасидан иборат ҳужжатлар тахламаси тузилмаган.

Жаманжар қишлоғидаги 35-мактаб ҳовлисида эса байроқ йўқ. Айтишларича, таъмирлашга берилган экан. Бу ерда ҳам ҳужжатлар тахламаси тўлиқ эмас. Биз борган куни 6-синфдаги инглиз тили дарсига 7 ўқувчи қатнашмади. Бошқа мактаблардаги юқори синфларда ҳам давомат тўлиқ эмас. Бу борадаги саволимиз жавобсиз қолаверди. Умуман, туманда ижро интизоми бўшашт

ПАҲЛАВОНЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Лекин ўтган йилги ғолиблар келишолмади. Шундай бўлса-да шу куни давра айланган Тоштемир полвон Муҳаммадиевда барчани енгадиган шижоат бор эди. Бу сафарги беллашувда ҳам 90 кг гача вазнда омади чопмай, мутлақ ғолибликка бел боғлаган бразилиялик Карлос полвон ажойиб кураш санъатини намойиш этиб, бразилияликлар фақат футбол ўйнашни эмас, ҳатто ўзбекча кураш тушишни ҳам қойиллатишини кўрсатиб қўйди. У Маҳмадўст полвонни мағлубиятга учратиб, ярим финалда Тоштемир полвонни ҳам анча шошириб қўйди. Лекин зўр зўрлик қилди. Тоштемир ундан анча зўр чиқди. Шундай қилиб, Карлос полвон яна бир вакилимиз Ботир Хўжаев билан биргаликда мутлоқ биринчиликнинг бронза медалини қўлга киритди.

Мутлақ жаҳон чемпионати финалида таниш полвонлар Тоштемир ва Эралилар бел олишди. Кучлилигини исбот қилган Тоштемир полвон миллий кураш бўйича жаҳоннинг биринчи мутлақ чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

1-жаҳон чемпионатининг ғолиб ва совриндорлари тантанали суратда тақдирланди.

Чемпионатнинг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т.Алимов, Т.Рисқиев, Бош вазир ўринбосари, Кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатини ўтказиш ташкилий қўмитасининг раиси Ҳ.Кароматов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов иштирок этди.

Рустам БОЙМАТОВ



КЕЛГУСИДА ЎЗБЕК КУРАШИ

Мамлакатимизда катта тантанага айланиб кетган кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати ўз ниҳоясига етди. Ушбу чемпионатда элликка яқин мамлакатдан ташриф буюрган энг кучли полвонлар иштирок этди. Ҳолбуки, дзю-до бўйича ўтказилган биринчи жаҳон чемпионатида еттита, самбо бўйича илк бор дунё биринчилиги ўтказилганда эса учта давлат спортчилари қатнашган эди. Рақамлар ўртасидаги тафовут томошабинлар сонида ҳам кескин фарқланади. Дзюдо ёки самбо бўйича ўтказилган илк жаҳон беллашувларига 6-7 минг томошабин келгани ҳолда, бизнинг нуфузли чемпионатимизга 20 минтга яқин томошабин ташриф буюрди.

Хўш, ушбу нуфузли чемпионатнинг 1999-2000 йилларга мўлжалланган мусобақалар календари қандай булади?

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ

Пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида бўлиб ўтган Халқаро кураш ассоциациясининг иккинчи конгрессида кураш бўйича келаси йилги Осиё чемпионати Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида ўтказилиши белгиланди.

ЕВРОПА ЧЕМПИОНАТИ

Халқаро кураш ассоциацияси томонидан тасдиқланган мусобақалар календарига мувофиқ, шу йилнинг декабрь ойида Литва Республикасининг пойтахти Вильнюс шаҳрида кураш бўйича Европа очиқ чемпионати бўлиб ўтади. 2000 йилги ана шундай чемпионат мусобақалари эса, Варваша шаҳрида ўтказиладиган бўлди.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

Мазкур анжуманни ўтказишга Европа ва Осиё давлатларидан бир нечта даъвогарлар бор бўлса-да, Халқаро кураш ассоциацияси ижроия қўмитаси қарорига биноан, кейинги чемпионат ҳам мамлакатимизда ўтказиладиган бўлди. Кураш бўйича иккинчи жаҳон чемпионатини ўтказишга ҳозирча Самарқанд шаҳри даъвогар бўлиб турибди.

Xullas...

ЮЗ ЁШИДА МУҚИМ БЎЛДИ

Одам учун энг муҳими нима?

Бошпана. Қадимдан қолган мақолнинг мағзи ҳам шунда: «Уз уйинг, улан тушагинг». Бошпанасизлик кишини «эзиб-янчиб» ташлайди. Ҳар кимнинг ўз улан тушаги, кунглига келган ишни қилганда биров таъқиқламайдиган «кулбаи вайрона»си бўлсин.

Иккинчи жаҳон урушининг қатнашчиси Сахиулла Мирасов ўзининг юз йиллигини нишонлаш арафасида жуда кўп йиллар орзиқиб кутилган совғани олди. Бу икки хонали квартиранинг ордеридир.

Ветеран Салават шаҳри яқинидаги Каптюкова қишлоғида бундан бир аср муқаддам, кўп болалик оилада дунёга келган. Сахиулла Мирасовни ҳаёт тоблади. У қандай жойларда яшамади? Уларнинг бирортасидаги шароит уни қаноатлантирмас, иссиқ-совуқ сув оқиб турадиган уйи булишини Оллоҳдан сурарди. Муқаддас Қуръони карим Мирасовнинг қулидан тушмас, аниқроғи, 30 мартадан кўпроқ мутолаа қилиб чиққан эди.

Мана, чолга худо берди. Астойдил сурасанг, Оллоҳнинг марҳамат қилиши рост экан. 100 ёшга кирган чолнинг соғлиги, кайфияти аъло...

ЎҒИЛГА ТОЙ, ҚИЗГА БУЗОҚ

Янги минг йилликка саноқли ойлар қолди. Унинг илк йилида туғилажак фарзандларни ажойиб-ғаройиб ҳадялар кутмоқда.

Муслюмовск тумани (Қозон)даги «Митряй» фермер хўжалиги бош директори Рафаэл Камолов 2000 йилда ўша ҳудудда туғиладиган чақалоқларга узига хос совға улашмоқчи. «2000 йил фарзанди» деб номланган акцияни сотиб олаётган кишиларни қуллаб-қувватлаётган Рафаэл унинг бош ҳомийсидир. Директор автомобиль, коттеж ёки банкка пул қўйишни ваъда қилмади. Янги йилнинг илк кунида туғилган ўғил болага - тойчоқ, қиз болага эса - бузоқча! Қишлоқда қишлоқдагидай!

ҲАЗИЛ БИЛАН ДАВОЛАШ

Англия эстрада хонандаси Дэйв Суорбрик ўпкаси шамоллаб шифохонада ётарди. Улим кайфияти артистни буткул асир этганидан, унинг яқинлари қаттиқ ташвишга тушиб қолишган, бу вазиятдан олиб чиқиш йулларини излашмоқда эди.

... Тасодифан «Дейли телеграф» газетасида Дэйвнинг оламдан ўтганлиги ҳақидаги таъзиянома босилиб чиқди. Мухлислар совуқ хабарни эшитиб, йиғлашди. Қариндошлари эса газетани олиб, бемор ҳузурига ошиқишди. Таъзияномани ўқиб кўргач, Дэйв аввал ним табассум қилди, сўнг қаҳ-қаҳа отиб кулиб юборди.

«Эрим тушкун кайфиятдан халос булди. Бунга ёлгон таъзияномамиз ёрдам берди» дейди хонанданинг рафиқаси.

ИНСОФЛИ ЎҒРИЛАР

Германияда яшовчи 75 ёшли бева газетага эълон берди: «Эрим бир талай ахлоқий руҳдаги шеърларни тўплаган эди. Ким олган бўлса, қайтарсин!».

Ураб-чирмалган эски-туски қоғозларни пул деб ўйлаб, уйдан ўмариб чиққан ўғрилардан бири эълонни ўқиган экан. Инсофли ўғрилар қоғозни ташлаб юборишмаган эди. Уни эгасига қайтариб, мукофот олишди...

ana shunaqa gaplar...

Sport maydonchasi

ЕТТИНЧИ ЯКУН

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати олий табақа жамоалари VII турни қуйидагича якунлашди:

«Самарқанд» - «Насаф» - 1:1,
«Сурхон» - «Хоразм» - 1:1,
«Янгиер» - «Бухоро» - 1:1,
«Нефтчи» - «Пахтакор» - 3:1,
«Дўстлик» - «Андижон» - 3:2,
«Навбаҳор» - «Металлург» - 2:0.

ЧЕМПИОН ТАЛАБАЛАР

Тьюменда ўтказилган бокс бўйича талабалар ўртасида Россия очиқ чемпионати иштирокчилари бўлган спортчиларимиз Дилшод Йўлдошев (48 кг), Тўлқин Турсунов (57 кг), Тимур Сулаймонов (60 кг)лар олтин ва Ғайрат Аҳмедов (75 кг) бронза медалларини олиб қайтишди.

НАВБАТДАГИ ЗАФАР

Ўзбекистон каратэчилари дунё бўйлаб бирин-кетин ёрқин ғалабаларни қўлга киритишяпти. Австралия халқаро турнирида қатнашган каратэчиларимиз ҳам турнирнинг биратўла 14 олтин медалини қўлга киритишди.

АШГАБАТ ОЛТИНЛАРИ

Бокс бўйича Ашгабат халқаро турнирини моҳир «чарм қўлқоп» усталаримиз Д.Ёрбеков, А.Раҳимов, С.Наимов, И.Бердиев, Р.Самандаровлар маҳорати безаб турди. Ҳеч қандай рақиб бас келолмаган бу спортчилар мусобақанинг олтин медали билан тақдирланишди.

ОСИЁНИНГ УМИДИ

Сув полоси бўйича саралаш ўйинларидан эсон-омон чиқиб олишиб, Италияда ўтадиган жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритишган Ўзбекистон терма жамоаси мусобақада қатнашадиган Осиё қитъасининг ягона жамоаси бўлди.

Ijodkor o'qituvchilar anjumani oldidan

КИМЛИГИНГНИ УНУТМА

Қояларда юрсанг ҳам,
Юлдузларни урсанг ҳам,
Ё дарёни бурсанг ҳам,
Кимлигингни унутма!

Яхшиларни ардоқла,
Ёмонлардан сир сақла,
Инсонлигингни оқла,
Кимлигингни унутма!

Халқинг учун фидо бўл,
Ҳақ йўлинда гадо бўл,
Хиёнатдан жудо бўл,
Кимлигингни унутма!

Кеккайсалар кеккайгил,
Эгилганларга эгил,
Ягона тангрингни бил,
Кимлигингни унутма!

Молу дунёнинг ўткинчи;
Шон-шуҳратинг ўткинчи,
Абадийга кетгунча,
Кимлигингни унутма!

Маҳмуджон ФАЙЗИЕВ,
Учқўприк туманидаги
9-болалар
боғчаси мусиқа раҳбари

УЧЛИКЛАР

Гоҳида дуч келар ўтли нигоҳлар,
Сўз демоққа ожиз - айланмас забон.
Юракни ўртайди аёвсиз «оҳ»лар.

***

Гўзаллигинг ром этган мени,
Яраклайсан, игна мисоли,
Афсус, ютиб бўлмайди сени.

***

Ўйнанг, кулинг, ёмон яшаманг,
Лек ўйновчи илкига тушган
Қўғирчоққа сира ўхшаманг.

***

Бошимни кўп бора деворга урдим,
Дунёда минг турли одамни кўрдим,
Беш кунлик дунёда, мен ўн кун турдим.

***

Жуда секин юрар соат миллари,
Сиз келсангиз юрагимдек тезлашар,
Сўзламоққа йўқдир фақат тиллари.

Башорат БУЗРУКОВА,
Чироқчи туманидаги
54-мактаб ўқитувчиси

ҚАСОСКОР КАЛХАТ

Ҳикоя

Мабодо йўлингиз Ушор қишлоғига тушган бўлса Қиличбулоқнинг шундай рўпарасидаги учта азим чинор назарингиздан четда қолмаган бўлса керак. Ҳар йил баҳорда бинафша, қўзигул, қорақош сингари баҳор дарақчилари атрофида муаттар ҳидларини ёйганда бошқа қушлар сингари бир жуфт калхат бу ерга учиб келади ва ана шу савлат тўкиб турган чинорлардан бирига ин қуришади. Калхатлар келиши билан қишлоқ аҳли сергак тортиб қолишади. Товуқ ва жўжаларини, умуман паррандаларни эҳтиёт қила бошлайди.

Бир гал боқиб юрган қўй-қўзиларни сувлатгани Қиличбулоққа келдик. Уларни суғориб соялатиб қўйдик-да, Қиличбулоқнинг зилол сувидан дўппиларимизни тўлдириб қониб-қониб ичдик.

Ашир деган дўстим билан чинор соясида дам олиб ётдик. Йигит-қизлар эшакларга кўза ортиб сувга келиб кетишарди. Шу пайт калхатлардан бири каптарни қувлаб келди. Каптар жон ҳолатда чинор ковакларидан бирига ўзини урди. Оёғимдаги чориқни ечиб дарахтга чиқдим. Ковакка қўл солдим. Бир пайт уядан бир нарса вишиллаб кела бошлади. Бадан-ларим жимирлаб кетди. Бахайбат илоннинг боши кўринди. Ингичкароқ шохни ушлаган эдим, синиб кетди. Йиқилиб тушдим. Ўзимга келиб қарасам, илон боягидан ҳам ҳайбатлироқ экан. Бечора каптарни ютган эди. Шу пайт ўлжасидан айрилган калхат дарғазаб бўлди шекилли, илонга ташланди. У ўткир темир панжалари билан илонни ғижимлаб олдию осмони фалакка учиб кетди. Ўша ердан туриб илонни пастга ташлаб юборди. Илон харсанг тошлар устига келиб тушди. У улкан қанотларини бир текис ёйиб пастга шўнғиди. Фавқулодда чаққонлик билан илонни ердан кўтариб олдида инига кириб кетди.

Калхат инидан учиб кетганидан сўнг яна чинорга чиқдим. Мажақланган илон калхат болалари олдида ётарди. Бир маҳал бошимга бир нарса қаттиқ урилди. Қаердандир пайдо бўлган калхат болаларини қизғаниб энди менга ҳужум киларди. Пастда Ашир шовқин кўтарди. Хайрият-ки, дўппим қалинроқ экан, бошимга шикаст етмади. Пастга туша бошладим. Калхат инига кириб кетди.

У бир гал тулки боласини олиб кела туриб мени кўриб қолди. Бир оздан сўнг ўлжасини ташлаб келган бўлса керак, менга ҳужум қилди. Бир амаллаб қутулиб қолдим. Шунда калхат менга ўчакишиб қолганини билдим. Шундан сўнг бир неча марта, хатто одамлар орасида бўлган чоғларимда ҳам менга ҳужум қилди. Унинг ҳужумидан ҳадиксираб кийимларимни алмаштириб юришга мажбур бўлдим. Лекин, барибир, у мени танир эди. Болалари учун, гарчи ҳеч бир ёмонлик қилмаган бўлсам-да, ўч олишга уринарди. Кимдир менга унга тажовуз қилма, фақат ўзингни ҳимоя қилсанг, у сени тушунади, деди. Шундан сўнг бир-икки марта у менга ташланганда ўшандай йўл тутдим. Мўъжиза рўй берди. У ҳам менга тегмади. Бошимда узоқ айланиб учди. Мен у билан ярашиб олдим. У ҳар гал мени кўрганда бўғиқ овоз чиқариб қўядиган бўлди. Бу улкан осмон йиртқичининг нечоғлик қасоскор эканлиги мени ҳайратга солган эди.

Абдуғаффор ОЧИЛОВ,
Денов туманидаги
62-мактаб ўқитувчиси

КИТОБНИ СЕВГАНЛАР БАЙРАМИ

(Боши 1-бетда)

Бу кўрик-танлов республика миқёсида биринчи маротаба ташкил этилган бўлса, вилоятимизда тўрт йилдан буён мунтазам ўтказилади. Бизнинг устозларимиз бу кўрик-танловнинг ташаббускорлари десак, хато қилмаётган бўламиз. Китоб ўқиш деганда кўпчилик бадиий адабиётни тушунади. Бизнингча, Президентимиз И.Каримовнинг, бугунги кундаги йирик сиёсатшунос ва иқтисодчиларнинг китобини ўқиш ҳам китобсеварликка киради. Гимназиямиз тилларга ихтисослашган. Ўзбек, инглиз,араб тиллари чуқур ўргатилади. Дунё адабиётини кўзга кўринган вакиллари Д.Дефо, М.Твен асарларини асл нусхасида ўқий оламиз.

Ҳар бир вилоятдан келган ўқувчилар «мен ҳаммадан яхши биламан», «мен ҳаммадан кўп ўқиганман» деган ўйда ташриф буюргани кўрик-танлов давомида ўз аксини топди. Айниқса, Сурхондарё, Фарғона, Самарқанд, Сирдарё вилоятларидан ташриф буюрган ўқувчилар билими, дунёқараши бошқалардан ажралиб турди.

«Тафаккурнинг толмас қанотлари китобдир», деганди ҳассос шоир Ойбек домла. Биз китоб ўқиётганимизда унинг сеҳрли оламига шу қадар сингиб кетамизки, беихтиёр ўзимиз ҳам китоб қаҳрамонига айланиб қолаётгандек ҳаракат қиламиз. Бугун минг-минглаб, бир-биридан қизиқарли, фалсафий, кишини мушоҳадага ундовчи китоблар бисёр. Биздан нима талаб қилинади, аввало китоб танлашни билиш, сўнгра унинг мазмунини чуқур тушуниб ўқиш. Мен билан суҳбатда бўлган самарқандлик китобсеварлар Т.Маликнинг «Шайтанат» китоби уларда катта таассурот қолдирганлигини айтишди.

«Шайтанат» романи сизга нима учун ёқди? Асар ғоясини айтиб бера оласизми?», деб берган саволимга эса улар турлича жавоб беришди.

Бундай кўрик-танловларни ўтказиш, ташкил этиш жуда хайрли иш. Лекин республика миқёсида ўтказилган бу танловнинг саволлари жуда оддий тузилган. Ахир, бу ерга юқорида айтганимиздек, «Мен зўрман, мен ҳаммадан яхши биламан, мен ҳамма нарсани биламан» деган, танловга қатнашаман деб кечаю кундуз тинмай ўқиб изланган болалар ташриф буюришган эди-ку. Келгусида бу каби нуқсонларни тузатиш мумкин.

Иштирокчилар билимини болаларнинг севимли ёзувчиси Х.Тўхтабоев, «Гулхан» журнали бош муҳаррири С.Барноев, Халқ таълими вазирлиги ходими Т.Султоновалар баҳолаб боришди.

Ғолиблик Сурхондарё ва Фарғона вилояти китобсеварларига насиб этган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Сирдарё, Қашқадарё ва Андижон вилоятлари ўқувчилари иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари бўлишди. Ғолибларга вазирликнинг эсдалик совғаларини маънавият ва қўшимча таълим бошқармаси бошлиғи Ж.Фозилов топширди.

Шарифа МУРОДЖОН қизи,
«Маърифат»нинг махсус мухбири

ҲАЛҚ ТАЪЛИМИ РАҲБАРЛАРИ!

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамкорликда «Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказлари врачлари» малакасини ошириш курсларини ташкил этади.

Курсларга вилоятлар бўйича ўринлар тақсимоти ва ўқиш муддатлари қуйидагича белгиланган.

Вилоятлар	Ташхис маркази врачларининг сони	Ўқув цикли муддати
Тошкент шаҳри	12	10-15 май
Хоразм	13	
Бухоро	14	
Тошкент	22	17-22 май
Қашқадарё	17	
Андижон	20	24-29 май
Сурхондарё	17	
Самарқанд	21	31 май - 5 июнь
Наманган	14	
ҚР	18	7-12 июнь
Фарғона	21	
Жиззах	13	14-19 июнь
Сирдарё	13	
Навоий	11	

Курс тингловчилари учун А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти тасарруфидаги кутубхона, қироатхона ва бепул ётоқхона хизматда бўлади. Курснинг сафар харажатлари Марказий институт ҳисобидан тўланади. Тошкентга келиш ҳақи фақат темир йўл ва автобус билетларига тўланади. Ўқишлар Тошкент шаҳар педиатрия илмий текшириш институтида бўлади.

А.Авлоний номли ХТХМОМИ манзилгоҳи: Тошкент - 95. Талабалар шаҳарчаси, А.Саидов кўчаси, 6-уй. Жанубий темир йўл вокзалидан 8-троллейбуснинг охирги бекатигача. Тел.: 46-06-67.

Тошкент педиатрия илмий тадқиқот институти манзилгоҳи: Собир Раҳимов тумани, Чимбой кўчаси, «Талъат» тор кўча, 3-уй. 20-троллейбуснинг охирги бекати, «Олимпия» меҳмонхонаси яқинида. Тел.: 293873

ЎН ТЎРТ ЁШЛИ «ТАРИХЧИ»

Катталаримиз бир одатга, яъни кўпинча кичиклар бирон жиддий нарсага қизиқа бошласа: «Қўй, катта бўлсанг, ўрганарсан», деб танбеҳ беришга ўрганиб қолишган. Аслида шу тўғрими?! Қанийди ҳар бир ёш билимга чанқоқ бўлиб ўсса, кўп саволлар берса. Дейлик, Шаҳнозадек.

Шаҳноза Бурхонова Китоб туманидаги 2-мактабнинг 9-синфида ўқийди. Тенгдошлари орасида ўзининг серсаволлиги ва сермулоҳазалиги билан ажралиб туради. Уйдагилари бўлса: «Бизлар билан ҳам «тарих тили»да гаплашади бу», дея ҳазиллашади.

Яқинда пойтахтимизда иқтидорли болаларнинг республика ёш сайёҳлар ва ўлкашунослар VIII анжуманида иштирок этган иқтидорлилар орасида Шаҳнозахон қатнашди ва биз у билан мўъжаз суҳбат уюштирдик. Суҳбатимиз асосан тарих мавзусида бўлди.

— Қашқадарё заминининг ўтмиши мени жуда ҳайратга солади, - дейди у тўлқинланиб. - Тошкентга келишимиздан аввал туман миқёсидаги иқтидорли болалар ўртасидаги беллашувда қатнашган эдим. Беллашувда ўзим тенгги ва ўзимдан кичик тарихчиларни кузатганимда 46-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Рамазон Намозовнинг беллашувга тайёрлаб келган экспонатлари мени жуда ҳам ҳайратга солди. Унинг Кушон давлати тарихига оид тўплаган материаллари: улар орасида будданинг митти ҳайкалчалари бир олам бўлса, яна ўзи яшаётган Сарой қишлоғи тарихини синчиклаб ўрганганлиги алоҳида таҳсинга лойиқ эди. Қишлоқлардан топилган бундай ёдгорликлардан улар мактабларида махсус музей ҳам ташкил қилишибди.

— Демак, тенгдошларинг орасида ўз юртининг, ўз халқининг ўтмишига қизиқаётганлар кўп экан-да?

— Жуда ҳам. Тошкент анжуманида ҳам уларнинг кўпи билан танишиб, дўстлашдим.

— Тарихни янада чуқурроқ ўрганишингга кимлар ёрдам бераяпти?

— Қашқадарё вилояти Ёш сайёҳлар ва ўлкашунослар марказининг бошлиғи Раҳматилла Жабборов, мактабимизнинг тарих фани ўқитувчиси Шарофат Тўлаевалардан жуда миннатдорман.

— Шаҳноза, тарих фанидан бошқа яна қайси фанларга қизиқасан?

— Географияга, мусиқага жуда қизиқаман. Лекин тарихга бўлган муҳаббатим барибир бўлакча.

Р.БОЙМАТОВ

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Гулчеҳра ПАРПИЕВА, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади. Навбатчилар: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Рустам БОЙМАТОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-0282. Тиражи 47.450. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00.
Топширилди — 21.30.